



# ИШОНЧ

32

1992  
Йил  
10-16  
август  
(71)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси



Ўзбекистон  
Мустақиллиги  
ва қасаба  
уюшмалари

## ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТЛАНДИ

Ўзбекистон меҳнатқашлари ҳаётида қувончли воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллигини нишонлаш арафасида «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бу ҳужжатда барча меҳнат аҳлининг ҳуқуқлари ва манфаатлари қонуний кафолатланди.

Қонуннинг II боби 7-моддасида бундай дейилган: «Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид меъриий ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этишга ҳақлидир».

Дарҳақиқат, қасаба уюшмалари тўғрисидаги мазкур Қонун лойиҳасини Федерация кенгаши тақдим этди. Лойиҳа матбуотда эълон қилинганда унинг муҳокамасини ташкил этди. Умумхалқ фикрини жамлади ва ниҳоят халқчил энг муҳим ҳужжат дунёга келди.

III бобнинг 17-моддасида айтилишича, «Давлат ва хўжалик идораларининг маъмурият, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар қасаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этишлари, уларнинг фаолият кўрсатишларига қўмаклашишлари шарт». Ҳақ гап бу. Масалан, ўз сафида 700 мингдан ортиқ қасаба уюшмаси аъзосини бирлаштирган республика тиббиёт ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Қўмитамиз раҳбарияти юқоридаги бу кўрсатмага илгаридан амал қилиб келмоқда. Шифокорларнинг социал манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли вазирликларга зарур таклифларни белгилаш бўйича бир қатор таклифларни тақдим этаяпти. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 1 июлдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисидаги Фармонга биноан, шифокорларнинг маош 1,8 баравар оширилиши белгиланган. Аммо тиббиётга хизмат килувчи инженер-техник ходимлар, иқтисодчи, ҳисобчи ва бошқа мутахассисларнинг маошларини ошириш 1,5 баравар қилиб кўрсатилган. Бу миқдор шу табақа хизматчиларининг ҳозирги иқтисодий таълик пайтидаги тирикчилиги учун етарли мадад бўла олмайдди. Шуларни ҳисобга олиб, Марказий Қўмитамиз тармоқда хизмат қиладиган 85 мингдан ортиқ ана шу тоифа хизматчиларининг маошларини июль ойидан бошлаб ўрта ҳисобда 1,7 баравар оширишни сўраб Республика Вазирлар Маҳкамасига, меҳнат ва молия вазирликларига мурожаат этди. Таклифларимиз нобатга олинди. Яқинда у амалга ошириш кутилмоқда. Бу қасаба уюшмалари тўғрисидаги Қонуннинг ҳозирдаёқ рўйбога чиқа бошлаганидан далолатдир.

**Озодахон АБДУЛЛАЕВА,**  
Ўзбекистон тиббиёт ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси.



Биз 1993 йил ҳам аҳли юрт тақдир, манфаати йўлида хизмат қиламиз. Фақат, Сиз йиллик обуна нархи 208 сўм 80 тийин (индекси — 64560) бўлган «ИШОНЧ» газетасига ЎЗ ВАҚТИДА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАСАНГИЗ БАС.

## ВАЪДАМИЗГА ВАФОДОРМИЗ



АЗИЗЛАР! МЕҲРИБОН ҚАСАБА УЮШ-  
МАСИ ФАОЛЛАРИ!

СЎЗНИНГ қадри тақчил ҳозирги замонда хонадонингизга Сизнинг меҳрингиз ва қалбингизни забт этгани «ИШОНЧ»нинг янги — 32-сонини ҳам қилиб келди. Обунанинг чўғи кам, қоғоз анқонинг уруғи бўлган шу кечакундузда ҳам газетга 114 минг нусхада нашр этилиб, ўзининг илк сонлариданоқ «Хар кишининг ким кишига раҳми йўқ, имони йўқ» деган қадим ақидага амал қилиб келмоқда. «ИШОНЧ» бу қахрамони жамиятнинг ўзани, наслимизнинг ўзаги бўлган асл меҳнатқашларнинг ҳимоячисига айланиб бораётганини қузатаётган бўлсангиз керак. Тўғри, биз арзон оғри кетидан қувиб, шов-шувларга учмадик. Манфаатимизни кўзлаб, яхши кўриниш ниятида даҳоларга ён босмадик, уларни олқишлаш йўлидан бормадик, оддий халқ дардига шерик бўлишгагина интилдик.

Мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос йўлини кўш-қўллаётган газетанинг сўзи ўз инсоний кадриятлари — меҳри, оқибати, ниймони билан юртнинг йўлини ёритаётган Сиз азизлар ҳақидир.

Корхона ва муассасалар обунасига ҳам ТАШАББУС-КОР БУЛАСИЗ ДЕБ УМИД ҚИЛАМИЗ. Унинг йиллик нархи 312 сўм (индекси — 64561).

Бахтимизга омон бўлинг!

«ИШОНЧ» таҳририяти.

## СЎЗ НАВБАТИ СИЗЛАРГА!

ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

### АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши кўзлаб кишилар онгини уйқудан уйғотди, оламага ўзгача кўз билан қарашга ундади, тараққиёт йўлини ўзимиз танлашимиз имкониятини берди. Ҳозир биз Республикаимиз МУСТАҚИЛЛИГИ кунининг I ЙИЛЛИГИ арафасида турибмиз.

«ИШОНЧ» газетамизнинг туғилиши ҳам давр тақозоси, зеро у ҳам эндигина бир ёшдан ошди. Бугун, гам-ташвиш интилишларга, армон-умидларга тўла ҳозирги даврда Сизларни бўлиб ўтган ва юз бераётган ҳодисалар, эртанги кун муаммолари ва орзу-умидлари ҳақида мушоҳада қилиб кўришга таклиф этмоқчимиз. Бизнинг илтимос сўзимиз Сизларга — қасаба уюшмалари аъзоларига, сайлаб қўйилган қасаба уюшмаси фаоллари ва раҳбарларига, республикадаги қасаба уюшмаси ҳаракатига бефарқ қарай олмайдиган барча кишиларга аталган.

Қасаба уюшмалари ўз зиммаларига олган асосий вазифа — меҳнат аҳли манфаатларини ҳимоялаш иши мумкин қадар яхшироқ бажарилиши учун Сизларнинг фикр ва истақларингизни, талаб ва таклифларингизни билишимиз лозим. Албатта, Федерация тарзида бирлаштирилган қасаба уюшмалари тўхтовсиз ижодий изланиш олиб борапти. Марказий орган бўлган қасаба уюшмаси Федерацияси кенгашининг тузилиши ва вазифалари ўзгаририлди, қасаба уюшма органининг ўзаро муносабатлари федератив асосда қуриляпти, бошланғич ташкилотларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди, хўжалик тузилмалари билан алоқалар ва ўзаро ҳамкорлиқнинг турли шакллари ўрнатилди. Республика давлат идоралари ва ҳукуматида бўлган барча даражаларда иқтисодий ва социал масалалар юзасидан шартнома ва битимлар тузиляпти. Яқинда Ўзбекистон Республикаси «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» Қонун қабул қилди. Буларнинг барчаси ишчилар, қолхозчилар, оддий меҳнатқашлар турмушида ўз аксини топяптими? Булар қасаба уюшмаси фаолларига нима берди? Молиявий, ташкилий масалалар ва қасаба уюшмаси фаолиятининг бошқа йўналишларига доир кўпгина қарорлар бекор қилинган ҳозирги кунда берилган эркинликлардан қандай фойдаланишсизлар? Маҳаллийлаштириш қандай самара берапти, бу ҳам қуйидаги, ҳам юқоридаги ахволдан боҳабар бўлиб туришни қийинлаштириб юбормадимиз? Вужудга келган тузилмаларнинг бузилишига олиб келмадимиз, ўйламай-нетмай қарор

қабул қилиш ва иш тутиш ҳолларини келтириб чиқармадимиз?

Ҳозир ҳамма нарх-навоининг тинимсиз ошиб кетаётганлиги, ишсизлик муаммоси кундаланг бўлаётганлиги ва шу муносабат билан аҳолини иш билан таъминлаш зарурлиги масаласи ҳақида гапиряпти, иқтисодий алоқалар узилганлигидан, хом ашё ва асбоб-ускуналар кам етказиб берилаётганлигидан, солиқ сиёсатидан нолияпти. Ана шундай шароитда қасаба уюшмалари меҳнат аҳлини социал жиҳатдан ҳимоялаш учун нималар қиляпти, уларнинг манфаатлари учун қандай курашяпти? Сиз қасаба уюшмаларини сизга таянч ва умид бағишлаш оладиган қудратга эга, деб ҳисоблайсизми?

Албатта, биз бу саволларнинг ҳар бирига жавобан қасаба уюшмалари олиб бораётган ишлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб беришимиз мумкин эди, қолаверса газетамизнинг навбатдаги сонларида бунинг амалга ошириш ниятимиз ҳам бор. Лекин қамолот сари олиб борувчи йўллар хилма-хил. Шу босдан газета таҳрир хайъати масалаларни бир мунча ўткир қилиб қўйиб бўлса-да, Сизларни мулоқотга чақиряпти.


Хар қалай, ҳеч бир қасаба уюшма аъзоси ўз қасаба уюшма ташкилотининг оғригига, у меҳнатқашлар турмуши ва иш жойидаги социал-иқтисодий шароитларни юксалтириш учун нималар қила олиши, ўз аъзоларини бозор шароитида қандай ҳимоя қилиши масалаларига бефарқ қарамаса керак.

Ҳозир Республикаимиздаги ҳар қандай сиёсий партия, ижтимоий ҳаракат халқ фаровонлигини оширишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Сиз нима деб ўйлайсиз, хурматли газетхон, улар билан қасаба уюшмалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай шаклда бўлиши мумкин?

Хуллас, кимки бу муаммоларга ўз қарашларини билдирмоқчи бўлса, қамолот йўлини кўрсатиб беришни истаеса, ўз билими, тажрибаси ва маҳоратини таклиф қила олса, марҳамат, таҳририятимиз ва кўнглимиз эшиклари Сизлар учун ҳаминша очик! Биз, мулоқотимиз хайрихоҳлик руҳида, амалий ва оқилона тусда ўтади, деб умид қиламиз. Бундай мулоқот ўтказиш қилинган ишларни баҳолаш, мақсадга эришиш йўлларини белгилаш, уни амалга ошириш шакллариини ишлаб чиқиш имконини беради.

Марҳамат, сўз навбати Сизларга!

«ИШОНЧ» ТАҲРИРИЯТИ



**«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунда давлат сиёсатининг республика касаба уюшмаларига нисбатан сиёсий, иқтисодий ва социал тамойили кенг шарҳлаб берилган. Уни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши илгарги қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун асос қилиб олинди.**

МАЪЛУМКИ, яқин ўтмишда — тоғлиқ давлат шароитида касаба уюшмалари тамомилан партиёга бўйсундирилган, унинг сиёсатини юриштидаги дастурга айлантирилган эди. Касаба уюшмалари эса жуда сиёсийлаштирилиб юборилганди.

Ҳозир, қабул қилинган Қонунга мувофиқ, касаба уюшмалари ўз фаолият турларига кўра манфаатлари умумий бўлган меҳнаткашларни бирлаштирган, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳамда социал-иқтисодий манфаатларини химояловчи кўнгилли жамоат ташкилотидир.

Демак, касаба уюшмалари сиёсий ташкилот эмас. Улар бутун жаҳондаги каби мутлақо кўнгилли бирлашма бўлиб, фаолиятларининг асосий йўналиши аввало ўз аъзоларининг иқтисодий, социал, меҳнат қилиш ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза этишдан иборат. Тўғри, бу касаба

тарзда бўлмасин, камситиш маъни этилган. Унда яна касаба уюшмаларини тугатиш ёки таъқиқлаб қўйиш шартлари белгиланди. Бунга факат икки ҳолатда рухсат берилди. Биринчиси, уюшма аъзолари уставда белгиланган тартибда қарор чиқарган ҳолларда ва иккинчиси, касаба уюшмалари ва уларнинг бирлашмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлган ҳолларда. Уларнинг фаолияти республика Бош прокурорининг тавсияси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши чиқарган қарор билангина таъқиқланиши мумкин. Бошқа ҳеч бир идора касаба уюшмаси фаолиятини тўхташига ҳақли эмас. Бунга мутлақо йўл қўйилмайди.

Яқин ўтмишда касаба уюшмаси «Коммунизм мактаби» эди, кейинроқ эса «Бошқарув мактаби»га айланди ва унинг қилмаган иши қолмади: иш-

рожаат қилишга, меҳнаткашларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини химоялашга ҳақли. Бешинчиси, касаба уюшмаларининг ҳар қандай даражада меҳнат баҳслари кўриб чиқилишида иштирок этиш ва шу аснода мавжуд қонунлар доирасида меҳнаткашлар манфаатларини химоя қилиш ҳуқуқидир. Олтинчиси, касаба уюшмаларининг расмий шахслардан ҳамда ҳокимият тузилмаларидан жамиятнинг ёки унинг айрим минтақаларининг социал-иқтисодий ривожланиши ва меҳнат масалалари хусусида тўла маълумот олиш ҳуқуқидир. Еттинчиси, касаба уюшмаларининг маъмурият жамоа шартномаларини, шунингдек, унинг ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган ёки экстремал вазиятлардаги мажбуриятларини қандай бажараётганлигини назорат қилиш ҳуқуқидир. Маъмурият билан меҳнат жамоаси ўртасидаги баҳслар касаба уюшмаларининг бевосита иштирокида, Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида ва уларга тўла амал қилган ҳолда кўриб чиқилиб хал этилади.

Бир қараганда, касаба уюшмаларни тўғрисидаги Қонун асосан уларнинг иқтисодий ва социал соҳадаги ҳамда меҳнаткашларнинг меҳнат фаолиятини муҳофаза этишдаги фаолиятининг белгилаб берилган кўринади. Лекин аслида бундай эмас. Қабул қилинган Қонун касаба уюшмаларига давлатлараро битимлар тузишда ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини шакллантиришда кенг иштирок этиш ҳуқуқини беради. Улар энди бу Қонунга кўра, республика қонунларида белгиланган тартибда халқ ноиблигига номзодлар кўрсатишлари, сайловларда иштирок этишлари мумкин.

Эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман. Касаба уюшмалари тўғрисидаги Қонун касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини белгилаб бериш билан чекланмасдан, уларнинг фаолияти учун кафолат беради. Бу эса гоёт муҳим. Бошқача қилиб айтганда, қонун барча давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотлари тизими, мансабдор шахслар касаба уюшмалари фаолиятига қўмақлашиши ва уларнинг ҳуқуқларини бузмасликни мажбурий ҳол қилиб қўйди. Касаба уюшмалари идораларига сайланган, асосий ишлаб чиқаришдан озод қилинган ва озод қилинмаган кишиларга ана шу кенг доирадаги кафолатлар берилган. Шунингдек, бу кафолатлар касаба уюшмаларидаги раҳбарлик лавозимларига сайланган ходимлар меҳнати учун ҳам кенг имкониятлар очиб беради. Ниҳоят, давлат касаба уюшмаларининг ҳамда уларга қарашли корхоналарнинг мулкӣ ва молиявий ҳуқуқларига риоя этилиши кафолатини ҳам беради. Ваҳоланки, касаба уюшмаларига қарашли корхоналар ниҳоятда кўп.

Муваффақиятли иш олиб бориш учун моддий шароит яратиш юзасидан корхоналар зиммасига муайян вазифалар юклатилиши касаба уюшмалари фаолияти кафолатларининг муҳим омилдир. Чунинчи, корхоналар маъмурияти касаба уюшмаларига улар фаолиятида керак бўладиган ускуналар, хоналарни бепул беради, жамоат шартномасида кўзда тутилган мақсадлар учун қонунда белгиланган миқдорда маблағ ажратади.

«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда давлат билан энг катта жамоат ташкилотларидан бири бўлган касаба уюшмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг иқтисодий, социал, сиёсий ва ҳуқуқий асослари аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Унда халқаро амалиёт ва Ўзбекистон Республикаси сиёсий турмушида вужудга келган ўзига хос хусусиятлар тўла-тўқис ҳисобга олинган.

**Элбек КАРИМОВ,**  
Тошкент аграр университети  
сиёсатшунослик кафедрасининг  
мудир, профессор.

## ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

# Ҳуқуқий давлат сари яна бир қадам

уюшмалари жамиятда қарор топган сиёсий турмушдан четда қолади, деган гап эмас, асло. Касаба уюшмалари уюшма ҳамда унинг аъзолари номидан ҳуқуматга, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тузилмаларига кенг омма манфаатларини ифодаловчи, жамият тараққиётининг социал, иқтисодий, сиёсий ва маънавий томонлари билан боғлиқ таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари давлат бошқаруви тузилмаларига муте эмас. Улар сиёсий партияларга бўйсунмайди. У бошқа жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларидан йўл-йўриқ сўрамайди. Яна шуниси муҳимки, улар қонунда кўзда тутилган айрим ҳолларни ҳисобга олмаганда ҳеч кимга ҳисобот бермайди ва бу уюшмани ҳеч ким назорат қила олмайди. Афтидан, энди кимлардир касаба уюшмалари фаолиятига мунтазам равишда, баъзан эса кўполлик билан аралашадиган вақтлар ўтиб кетди. Қабул қилинган Қонун касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки бу ҳуқуқлар амалга оширилишига ҳалал берадиган ҳар қандай аралашувни таъқиқлайди.

Касаба уюшмалари мустақил равишда ўз қўлланмаларини ишлаб чиқардилар ва тасдиқлайдилар, таркибий тузилишларини белгилайдилар, раҳбар органларини сайлайдилар, ўз фаолиятларини ташкил қиладилар, йиғилишлар, анжуманлар, пленумлар, курултойлар ўтказадилар. Улар мустақил равишда ўзга давлатлар касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, ўзлари истаган халқаро ва бошқа касаба бирлашмаларини ҳамда ташкилотларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга. Бир вақтлар касаба уюшмасининг барча даражалардаги раҳбар ходимларини давлат, асосан партия органлари тайинларди. Умид қиламизки, энди бу даврлар ўтиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари тўғрисидаги Қонунда касаба уюшмалари бирлашмаларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари баён этилган, фуқароларни улар касаба уюшмалари аъзолигига қараб қандай

лаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобакани ташкил қилиш ва материалларни тежаш каби хилма-хил ишлар билан ҳам шуғулланаверди. Аммо ўз фаолиятининг асосий йўналиши — ўз аъзоларининг иқтисодий, социал ва меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш эътибордан четда қоларди. Қабул қилинган Қонунда касаба уюшмаларининг асосий фаолиятини ташкил этувчи ҳуқуқлар доираси тўла белгилаб қўйилди. Бу, аввало касаба уюшмаларининг фуқароларга берилган меҳнат қилиш ҳуқуқини химоялашдир. У ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқларини химоя қилибгина қолмай, шу қаторда иш билан таъминлаш борасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этадилар, корхоналар фаолияти тўла ёки қисман тўхтатиб қўйилган, иш ўринлари қисқартирилган, меҳнат шароитлари ёмонлашган ҳолларда социал химоялаш тадбирларини таклиф қиладилар, иш билан таъминлаш қандай аҳводаллиги ҳамда бу соҳада қонунларга қандай риоя этилаётганлигини назорат қиладилар. Иккинчидан, касаба уюшмаларининг музокаралар юритиш ҳамда жамоат шартномалари тузиш ҳуқуқи бор. Касаба уюшмалари жамоавий ва яқка тартибдаги меҳнат шартномалари ҳамда битимларнинг бажарилишини ҳам назорат қиладилар. Учунчидан, касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни социал химоялаш ҳуқуқидир. Бунга иш хақи тўлаш шартларини белгилашга доир жуда муҳим фаолият, меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларнинг ишлаб чиқаришдаги хавфсизлигини таъминлаш, уй-жой шароитларини, социал сугурта, меҳнаткашларнинг саломатлиги ва маданий-манший манфаатларини муҳофаза қилиш қабилар қиради. Тўртинчиси, касаба уюшмаларининг меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиш ҳуқуқидир. Маъмурият кўпинча турли сабабларга кўра меҳнат тўғрисидаги қонунларни бузишни инobatга олса, касаба уюшмасининг бу соҳадаги фаолияти жуда муҳимдир. Бундай ҳолларда касаба уюшмаси судга му-

## КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

«ИШОНЧ» мухбирлари хабар  
қиладилар:

\* \* \*

Яқинда деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кўмитаси раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда касаба уюшмаларига қарашли профилакторий, дам олиш ва даволаниш масканларидаги молиявий ишлар, тиббий хизмат кўрсатишнинг ахволи ўрганиб чиқилди.

Шунингдек, раёсат йиғилишида деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Косон райони кўмитасининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари VIII пленуми якунлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди ва улар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

\* \* \*

Бугунги кунда Хоразм вилоятида ўндан зиёд фаолият кўрсатаётган санаторийларни нарх-наво ошган шароитда маблағ билан таъминлаш, уларнинг бир меъёрада ишлашини ташкил этиш муаммо бўлиб қолмоқда. Вилоят касаба уюшмалари бу муаммони ечишда ташаббускорлик кўрсатдилар. Йил бошидан вилоят касаба уюшмалари кенгашида уларнинг ишини мувофиқлаштирувчи янги бўлим — санаторийлар бошқармаси тузилди.

— Бошқарманинг ташкил этилиши вилоятда меҳнаткашлар саломатлигини яхшилаш тадбирларини янада кенгайтириш имконини беради, — дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари О. Болтаев. — Айни пайтда мазкур бошқарма Хонқада 500 ўринли санаторий қурилишини тезкорлик билан амалга оширишга бош-қош бўлаётир.

\* \* \*


Яқинда Қорақалпоғистон касаба уюшмалари Кенгаши Қўнғирот райони ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Орол болаларига» фонди учун хайрия тадбирини уюштирди. Қўнғирот шаҳридаги ўйингоҳга тўпланган уч мингдан зиёд меҳнаткашларга район маданият бўлими концерт ва театрлаштирилган томошалар қўйиб берди. Орол бўйидаги қадимий Қўнғирот шаҳрининг саҳоватпеша аҳолисидан тўпланган 30 минг сўм маблағ «Орол болаларига» фондига ўтказилди.

Мазкур тадбирларда Қорақалпоғистон касаба уюшмаси кенгаши раиси Ўринбой Қунназаров иштирок этди.

\* \* \*

Бозор иқтисодиёти шароити янгидан янги вазифа ва муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу эса касаба уюшмаларидан фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини химоя қилишда оқилона иш юритишни тақозо этапти. Айниқса, бу ишларда яқинда қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун дастуруламал бўлаётир. Наманган вилояти касаба уюшмалари хайъатида ўрта бўғин касаба уюшмалари фаолиятини жонлантirmасдан туриб мақсадга эришиб бўлмаслиги таъкидланди. Бунинг учун биринчи навбатда уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга киришилди.

Ҳозирги пайтларда касаба уюшмаларининг фаоллари бутун меҳнаткашлар билан бошланган мулоқот давом этмоқда. Бошланғич ташкилотларга қонунда ҳуқуқлар, янги вазифалар йўл-йўриқлар мажлис залларидан бевосита дала шийпонлари, станоклар, гуриллаётган цехларда, чорвачилик фермаларида атрофлича ўрганиб чиқилмоқда. Олдий кишилар билан бирга бўлиш, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш касаба уюшмалари обрўсини, одамларнинг уларга нисбатан ишончини оширмоқда. Ҳафтада уч мартадан кенгаш ва тармок кўмиталарининг ходимлари хизмат автобусида районларга сафарга чиқишни кун тартибига киритдилар. Хар бир районда навбат билан ўтказилаётган икки кунлик сафар чоғида бошланғич ташкилотлар иш усули ўрганиляпти, зирур амалий ёрдам кўрсатилмоқда, пайдо бўлган муаммоларни ҳал этиш юзасидан маслаҳатлар берилмоқда.



**Сўнги вақтларда бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наволарнинг кескин ошиб боришидан аҳолини иқтисодий-ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари чиқди. 1992 йил 27 июнь кунини эълон қилинган «1992 йил 1 июлдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармон ҳам шулар жумласидандир. Унга кўра 1 июлдан ўқитувчилар, тарбиячилар, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юр்தларининг муаллимларининг, профессор-ўқитувчиларининг иш ҳақи 1,8 баравар оширилди.**

**Мухбиримиз бу соҳадаги ўзгаришлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг муовини Муртазо СУЛТОНОВ билан мулоқотда бўлди.**

— Муртазо Султонович, сўнги пайтларда халқ таълими ходимларининг маошлари бир неча марта оширилди. 1992 йил 1 июлдан уларнинг иш ҳақлари 1,8 мартага кўтарилгани янада кўнгилдагидек иш бўлди. Умуман, бу ишларга, тўғрироғи, сўнги иш ҳақи оширилишига қанча кўшимча маблағ сарфланмоқда?

— Мустақил ҳамдўстлик давлатларида истеъмол моллари ва турли хил хизматлар нархи ошишда давом этаётган бир шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ таълими ходимларини социал ҳимоялаш ҳамда уларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўриб келмоқда.

Халқ таълими ходимларининг моддий аҳолини яхшилаш мақсадида кўрилатган тадбирлар асосида уларнинг иш ҳақи 1992 йилнинг биринчи ярмида икки марта оширилди. Ўрта ҳисобда уларнинг иш ҳақи шу даврда 1991 йил декабрь ойидагига нисбатан 3,7 баравар, 1990 йилдагига нисбатан эса 5,7 баравар кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июндаги сўнги Фармонига мувофиқ, 1 июлдан бюджетга қарашли ташкилотлар ходимларининг, жумладан, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юр்தлари ўқитувчилари, тарбиячиларининг, профессор-ўқитувчиларининг, шифокорлар ва илмий ходимларининг маоши яна бир марта — 1,8 баравар, бошқа ходимларники эса 1,5 баравар оширилди.

Шу тариқа Республикадаги халқ таълими тизимида ишловчи 743 минг кишининг иш ҳақи ошди. Булардан 333 минг кишидан кўпроғи ўқитувчилар, 40 минг

нафари мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячилари, 11 минг нафари муаллимлар тайёрлаш билим юр்தлари ва ҳунар-техника билим юр்தларининг ўқитувчилари, қарийб 6 минг муаллимлар тайёрловчи олий ўқув юр்தларининг профессор ва ўқитувчиларидир.

## МАОРИФДАГИ ЯНГИ МАОШЛАР

Мазкур Фармонда кўзда тутилган маошларни оширишга кетадиган харажатар умумий қиймати ойига 697,1 миллион сўмни ташкил этади. Йил охиригача эса бу мақсадлар учун халқ таълимига 4 миллиард сўмдан кўпроқ пул ажратилади.

Белгиланган тадбирлар амалга оширилиши натижасида мактаб ва ўрта махсус ўқув юр்தлари ўқитувчиларининг ойлик ўртача иш ҳақи уларнинг дарё соатларининг ҳамда асосий вазифалари бўлмаган ишлар (синфга раҳбарлик, дафтар текшириш, хона мудирлиги ва х. к.) учун кўшимча тўловларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда январь ойида 656 сўм, март ойида 1525 сўм бўлган бўлса, энди 2800 сўмга чиқди: мактабгача тарбия муассасаларидаги педагог ходимларининг ўртача иш ҳақи аввал 600 сўм, кейин 1145 сўм бўлди, ҳозир эса уларга 2052 сўмгача иш ҳақи тўланапти, олий ўқув юр்தлари ўқитувчиларининг ой-

лик ўртача иш ҳақлари январь ойида 1053 сўм, март ойида 1790 сўм бўлган эди, энди ойига 3220 сўмга етди.

Шу йўсинда халқ таълими ходимлари меҳнати учун тўланадиган ҳақ республика моддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги меҳнатқашлар даромадининг ўртача даражасига яқинлашиб қолди.

Ўқувчи ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳам диққат марказида турибди. 1992 йил 1 июлдан бошлаб уларнинг ойлик стипендиялари ҳам 1,5 баравар оширилди. Шу билан бирга талабалар ошхоналари ва тамаддиҳоналарида имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойдаги кўшимча тўловларнинг аввалги миқдори ҳамда тушликлар кийиматининг 50 фоизи тўла сақлаб қолинди. Энди стипендияларнинг энг кам миқдори олий ўқув юр்தларида 595 сўм, техникумларда — 495 сўм, ҳунар-техника билим юр்தларида эса ўкиш муддати ва дастурига қараб ойига 393 сўм бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати халқ таълими ходимларини ва

носиб фуқаролари қилиб етиштиришдан иборатдир.

— Янги иш ҳақларга ўтилиши муносабати билан мактаблардаги ўқитувчиларга тўланадиган кўшимчалар ҳам оширилди-ми?

— Ҳа, албатта. Муаллимларга берилган барча кўшимча пуллар ҳам Президентнинг сўнги фармонига мувофиқ 1,8 баробар оширилди. Аннқрок қилиб мисоллар билан айтсак, 1 июлдан бошлаб муаллимнинг тил ва адабиётдан дафтар текширишига 61 сўм, математика муаллимига 46 сўм, чет тили муаллимига эса 30 сўм тўланади.

Синф раҳбарлигига тўланадиган ҳақлар I—V синфлар учун 61 сўмга, VI—XI синфлар учун 91 сўмга кўтарилди. Бу ерда шунини унутмаслик керакки, агар синфда 15 та боладан кам ўқувчи бўлса, муаллимга бу миқдорларнинг ярми тўланади.

Хона мудирлигига энди 30 сўм тўланади. Устахона мудирлигига мактабда 10 тагача синф бўлса — 45 сўмгача, 10—20 тагача синф бўлса 61 сўм, синфлар 21 тадан ошиб бўлса — 91 сўм тўланади.

Умумтаълим мактабларидаги синфдан ташқари машғулотларга ҳам алоҳида кўшимчалар белгилаб қўйилди. Агар мактабда 10—19 синф бўлса — 107 сўм, 20—29 синф бўлса — 198 сўм, 30 ва ундан ошиб синф бўлса — 397 сўм тўланадиган бўлди.

Юқорида биз кўрсатган кўшимчалар энг кам миқдорлардир. Агар мактабда маблағ бўлса, мактаб директори бу кўшимчаларни янада кўтариши мумкин.

— Иш ҳақлари ҳар ошганда гоҳо таҳририятга «Мен иш ҳақи оширилганда таътилда эдим, ишга тушгач, менга оширилган тофовут берилди» деб мурожаат қилишади. Шу масалага ҳам аниқлик киритиб берсангиз.

— Биз ҳам бу каби жумбоқларга кўп дуч келамиз. Муаллимларнинг бу тўғридаги хавотирлари-ю талабларида жон бор. Биз ҳам бу масалани ўрганиб керакли жойда айтдик. Хуллас, ўрганилпти, келгусида бу хусусда ҳам ўзгариш бўлиб қолар. Лекин ҳозирча иш ҳақи ошганда қим таътилда бўлган бўлса, уларнинг маошлари ишга чиққан кундан оширилди.

**Сухбатдош: Адхам ДАМИНОВ,  
«Ишонч»нинг махсус мухбири.**

**Ҳунар ўрганганнинг умри беташвиш, дақиқаси файзлидир... Мухаббат Матёқубова ўн йил бурун ўзи шогирд эди, бугун ўнлаб шогирдлари бор. Хива бадийи сопол заводи ходимаси (ўртада) Мухаббатхон бир гуруҳ шогирдларига сопол буюмларини қандай безашликни ўргатмоқда.**

**Зоир ХОЛМИРЗАЕВ олган сурат.**



## ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҲАМИША ЎЗ ҚАДРИНИ ТОПСИН

ХАЛҚИМИЗ тарихий кунларни бошидан кечирмоқда. Вақт ўтган сайин Республикада мустақилликнинг бир йиллиги арафасида топталаётган кадр-қимматимизни, ўзгалар соясида сарғайиб қолиб кетган ўзлигимизни янада чуқур аглаб етаймиз.

Республика тарғибот марказининг бир гуруҳ жонкуяр ходимлари миллий қадриятларимизни ҳаётга қайтариш йўлида халқ орасида тарғиб-ташвиқ ишларини амалга ошириб, жойларда учрашувлар, суҳбатлар ва турли тадбирлар ўтказаятирлар. Мана шун-

дай тадбирлардан бири яқинда Семашко номидаги Соғлиқни тиклаш ва физиотерапия санаторийси даволанувчилари ҳузурда ўтказилди. «Одоб, ахлоқ — ҳаётимиз зийнати», деб номланган ушбу учрашувда халқимизнинг кўзга кўринган элшунос ҳамда исломшунос олимлари чиройли чиқишлар қилишди. Зокирхон Абзалов, Фатхулла Зикриллаев, Баҳром Тожибоевларнинг «Яхши оила — саодат рамзи», «Ҳаёли аёл — одоб гултожиси», «Аёл — олам чироғи», мавзуларидаги маърузалари олам-олам маъноларга тўла эди. Олимлар

миллий қадриятларимиз ҳақидаги кўпчиликни қизиқтираётган саволларга ҳам жавоб беришди.

— Биз бундай учрашувларни мактабларда, жамоа ҳўжаликларида, турли санаторийларда ўтказаямиз. Кўриниб турибдики, халқимиз бундай суҳбатларга ташна, дейди маънавий-маданият, тарғибот маркази раҳбари Мирсайд Нурхонов. — Шунинг учун марказимизга таниқли файлсуфлар, ёзувчилар, исломшунос олимларни жалб этганмиз.

Шунингдек, бу галги учрашувга мумтоз қўшиқчилар, сеҳрли бармоқ соҳиблари яхши кайфият ва жозиб бахш этишди.


**Зебо АХРОРОВА.**

## ТАБИЙ ГАЗ

### ЁНДИ

Учқўрғон ҳамда Норин районлари ҳудудига табиий газ узатиш тармоғи фойдаланишга топширилди. Бунда «Ўзбекгаз» саноат бирлашмасига қарашли 22-11-механизациялашган кўчма колонналар ишчилари, инженер-техника ходимларининг хизматлари катта бўлди.

**Тургунпўлат СУЛАЙМОНОВ.**



**Ўзбекистон давлат тили тўғрисидаги Қонуни амалда тадбиқ қилина бошланганига икки йилдан ошиб қолди. Бу орада талай ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот, маданий муассасалардаги ўзаро ёзишмалар, дастур, расмий ҳужжатлар, муҳокама, йўғин-мажлислар давлат тилида олиб борилишига ўтилдики, бундан фақат фахрлини керак. Ўзини униб-ўсмоққа даъват этган ниҳол катта дарахт соясида қолиб кетса, ҳосилга киролмаслиги у ёқда турсин қуёш нуридан бебаҳра, қад тиклашга улгиролмай оқибатда нобуд бўлиши муқаррар.**

ЎЗБЕК тили ҳам шунча йиллар «улуғ рус» тили соясида қолиб, ривож топиш ўрнига нимжонлаша-нимжонлаша охир-оқибат таназзулга юз туётганидан хавотирда эдик. Минг қатла шукрки, жамоатчилик ҳушёрлик тортиб, бунинг олдини олишга астойдил киришди, тилшунос олимларимиз жон куйдирди, республика аталар кўмитаси бу соҳадаги масала бўйича бир қанча тадбир-чораларни амалга оширди. Натижада унутилиб кетган ибора, таъбирлар қайта тикланди, кўп нарсалар ўз номи билан атала бошланди. Ўзгача маъно ва мазмун касб этиб, нутқимизга илашиб қолган аралаш-қуралашликлар анча-мунча барҳам еди. Бу тўғрида газеталар, радио, телевидение орқали кўп баҳслар ҳам кизиди. Махсус т-

алмашгани жиддий баҳсга сазовор бўгун. «Министрлик» (французча) ҳам «Президент», «демократ», «референдум», «Парламент», «Республика», «Университет» сингари рус сўзлари эмас, бутун дунёда қабул қилинган, барча халқлар «қонига» сингиб кетган сўзлардир. Бунинг устига мазкур ташкилот «Министрлар кенгаши» деб аталавериши кимнинг энсасини қотира қолганига ҳайронсиз. «Маҳкама»нинг ўзаги «ҳукм». Шунингдек, «маҳкама» «маҳкум»га оҳангдош. Шарк мамлакатлари тилларида жазога маҳкум қилинганларни маҳкамага олиб борадилар ва ҳатто «маҳкама» турма маъносида ҳам ишлатилади уларда. (Козимийнинг «Кўркинчи Техрон» романини ўқиган киши фикримизни қувватлаши мумкин). Ким биладн,

«Жумхурият» (асли «жаъмихурият»), «Козихона», «Хаким», «Мирзахона», «Қаппон» каби сўзлар ҳам муомилда бўлган. Аммо замонлар ўтиши билан ҳамма нарса ўзгариб, янгича шакл топгани каби улар ҳам бошқача таъбир олди-ку? «Республика», «Суд идораси», «дўхтир», «Қотибият», «Дон бозори» иборалари билан алмашилди! Хўш, кўполдан кўпол «моллари» дейиш ўрнига «маҳсулотлари», «Буюмлари», «Асбоб-ускуналар» ёхуд «анжомлар» «болалар кийим-кечақлари», «келин-куёвлар учун саруполар» деб атайверсак нима ютказамиз? Шунчалик сўзга камбағаллашиб кетганмидик ё?

Газета-журналлар билан савдо қилиш дўконларига «рўзномалар», «ойномалар» деб ёзиб қўйиш урф бўлиганига нима дейсиз? Қайқандан чиқди бу мужмалликлар? Умуман «рўзнома» нима ўзи? «Рўз»-бу-кун, демек, «Куннома», деб юритилиши керак. Лекин шу шартмикин? Жаҳондаги барча тилларда журнал-журнал, газета-газета, деб юритилавергандан кейин бизларда «куннома», «хафтанома», «ойнома» дейилишига нима ҳожат?

«Тайёра», «Тайёрагоҳ», «Олийгоҳ» (олийгоҳ билимгоҳ эмаску?) сингари-ларни ишлатишдан нима мантқ бор? Қаловини топса, қор ёнади, дейдилар. Кейинги пайтларда маъмурий ташкилотлар номи ёнига «ишлари» деган иборани қўшиб ифодаланадиган бўлди. «Ички ишлар вазирлиги» («министрлиги»), «Ташқи ишлар вазирлиги» («министрлиги») дейиш ўринли албатта, лекин «Ўзбекистон республикаси Маданият ишлари вазирлиги» («министрлиги»)ни ўйлаб топган кимсалар нахотки, «ишлари» сўзи айни чоқда ниҳоятда гализ, ортқича ва қовушмаётганлиги билан «Қалови топилмаган»лигини туширилмасе?

Яна бир масала: Янги йил кириши олдидан кўча-кўй-ю, магазинлар витриналари — хуллас, ҳаммаёкни «Янги йил билан», деб чала ёзилган шиорлар босиб кетади. Уларнинг нима маъно бериши билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Аслида мияни жойига қўйиб, диққат берган одам ундан ҳеч қандай мантқ йўқлигини тушуна қоларди. Русчадаги «С новым годом»да «табриклаймиз» деган маъно яширинлиги аниқ. Ўзбекчада эса ундай эмас. Шунинг учун жумланинг эга-кесимини ўрнига қўйиб, қанчалик чиройли «қутлуг» сўзини ишлатиш билан «Янги йилнингиз қутлуг бўлсин», «Янги йил билан қутлаймиз» ёхуд «табриклаймиз», «муборакбод қиламиз» деб ёздирши қийин эмас-ку? Бунақанги мужмалликларни кўриб, шу ёзувларни ёздирётганлар ўзбек миллатига мансуб одамлигига шубҳа қиласан, саводсизлигидан эса ранжиб ўтасан баъзан.

Шу ўринда яна бир расмиятчилик хусусида ҳам газетхонни мунозарага тортигим келади. Қандайдир сабабларга кўра расмий ҳужжатларга русча ёзилиб қолинган исм, фамилиялар ўзгартирмаслик, айниқса, паспортда қандай ёзилган бўлса, шундайича таққин қилаверишликни тавсия этиш урф ҳозир. Аксинча, нафақага чиқаётган маҳалинг биргина ўзгарган ҳарф таққинини ҳал қилар эмнш. Яъни Оллаберган — Аллаберган («Алла» «оллох» эмаслигидан қатъий назар), Йўлдош-Йўлдаш, Эргаш-Иргаш, Иброҳим-Ибрагим, Едгор-Ядгар, Улуғбек-Улуғбек ва ҳоказолар. Нахотки мустақилликка эришган миллат вакиллари таққирини оддий қозғолар ҳал қилаверса ҳамон? Нахотки, бу хилдаги беъмани расмиятчиликка барҳам бериш вақти етмаган ҳали.

Йўқ, бизнингча у даврлар ортда қолди. Чунки катта дарахт соясини паққос тарқ этиб, камолат сари интиломда умримиз.

Жоирид АБДУЛЛАХОНОВ

## МЕҲНАТ ҚИШИСИ АРДОҒИМИЗДА

ЯҚИНДА касаба уюшмаси кўмитасининг раисаси Саломхон Абдухамидова ҳузуримга кириб қолди. Биз у билан бирга цехда ишлаганмиз, кўп тадбирларни бирга ўтказамиз, муаммоларни бирга ҳал этамиз.

— Кеча кўмитага уч-тўрт ишчиларимиз киришган экан,— деди у.— Ёшлари олтимишга етмаган бўлса ҳам барвақт қаришган. Қараб туриб, ачиниб кетасан киши. Соғлиқлари ёмон, улар ишлашга эмас, балки ҳозирнинг ўзида даволанишга муҳтож. Шунақа пайтда ёрдам беролмаганлигимдан диққат бўлиб кетаман...

Инсон дунёга бир марта келади, умрида рўшнолик кўрмай, фақат меҳнат билан ўтиб кетавериши керак эмаску! Уларга ёрдам бериш имкони йўқмикин? Ана шундай хаёллар билан иқтисодчиларни, меҳнат ва иш ҳақи бўлими ходимларини қақирдим. Маслаҳатлашдик. Корхона ўтган йил якуни бўйича олган беш миллион сўм соф фойдадан ана шу кишиларга ойига 350 сўм пенсия ва ошқат учун 120 сўм, жаъми 470 сўмдан бериб туришга келишдик. Бу пулни улар то қариллик пенсиясига чиққунларича олаверадилар.


Бош корхона ҳудудидаги учта ошхонани ўз қарамоғимизга олганмиз. Улар учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларини мол айирбошлаш йўли билан ўзимиз етказиб бермоқдамиз. Аммо кейинги пайтда кунига ошқат учун беш сўм тўланаётганлигига қарамай, ишчиларнинг норозилиги қучайиб кетди. Шунда биз касаба уюшмаси билан биргаликда масалани синчиклаб ўрганиб чиқишга аҳд қилдик. Вакиллар тонг азонда келиб, ошпазлар билан бирга масалликларни қозонга солишди, палов пишгач, тарқатишда ҳам қатнашишди. Гўшт ошпазлар тузган калькуляциядагига нисбатан икки баробар оз солиганига қарамай, ишчилар қосаларга ҳар сафаргидан икки баробар кўп гўшт тушганлигини, одатдагидан кўпроқ сузилганлигини айтишди. Демак, ҳар кун ошпазлар ишчиларни чўмичда қоқишгаётган экан.

Маҳсулот ишлаб чиқараётган ишчи ўз меҳнатининг ҳузурини кўриши керак. Корхонадаги иш стажига қараб, ишчиларга бир кундан уч кунгача, оғир меҳнат қилинадиган участкалардаги ишчиларга 6—12 кундан қўшимча отпуса жорий қилинди. Ўтган йили юз нафар ишчига атрофимиздаги хўжаликлардан ер участкалари сотиб олиб бердик. Ўттиз нафар ишчи-хизматчи учун қурилаётган кооператив уйлар қийматини, 64 нафар ходимларимиз олган узоқ муддатли ссудаларининг учдан бирини корхона ҳисобидан тўлаб қўйдик.

Ҳозирги раҳбар тенгдошларимнинг, шу жумладан ўзимнинг ҳам бир айбимиз бор: ўзимиз ишлаётган жамоани оёққа турғазиб қўйган мўътабар фахрийларни ҳар доим ҳам эса олавермаймиз (байрамлар, тантанали кунлар бундан мустасно). Ана шу камчилиқни бартараф этиш учун касаба уюшмаси билан ҳамкорликда юқоридан бериладиган барча муқофотлар, совғаларни тақсимлашда фахрийларимизни ҳам ҳисобга олмоқдамиз.

Корхонамиз ва унинг филиалларида уч мингдан ортқ киши меҳнат қилмоқда. Қадрлар бўлимида яна саккиз юз нафардан ортқ киши ишга кириш учун навбат кутиб турибди. Иш эса йўқ. Бугунги шароитда ишсиз юрган одамнинг аҳволи ҳаммамизга маълум. Шунинг ҳисобга олиб ўтган йилдан бошлаб шахримизда уч минг тонна тогани тайёр маҳсулотга айлантирадиган ип-газлама комбинати, беш юз тонна пиллани қайта ишловчи пиллакашлик фабрикаси қурилиши бошланди. Улар битгач, Косонсой ва унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг яна ўн мингга яқини доимий иш билан таъминланади.

Файзуллохон АҚРАМОВ,  
Наманган вилояти,  
Косонсой шойи тўқши  
фабрикасининг директори,  
Ўзбекистон халқ депутати.



«Безамок чоғидир умр дафтарин»

конкурс-танловига

## СЎЗДАН СЎЗНИНГ ФАРҚИ БОР...

зилган комиссиялар вазифаларнинг бажарилиши ҳақида вақти-вақти билан ҳисобот бериб турибдилар. Аксари ташкилотларнинг муҳр, штамплари, бланка, расмий қоғозлари ўзгартрилиб, давлат тилида иш юритиш учун имкон туғилди. Лекин, минг афсуски, ҳамма жабҳада ҳам иш бир хилда жадал олиб борилаётгани йўқ. Ана шулар ҳақида, такрор бўлса ҳам, фикр юритсак йўл қўйилаётган хатоларнинг олдини оламузу аммо ютқизмаймиз ҳар қалай.

Мазкур сатрлар муаллифига яқиндан таниш ва маълум бўлган Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари университети, Тошкент техника университети, республика иқтисодий кўмитаси, айниқса, молиявий ишлар билан шуғулланувчи қатор ташкилотларда бу соҳада дурустроқ силжиш бўлмаётганлиги ачинарли ҳолдир. Ҳатто Ўзбекистон Республикаси Маданият министрлиги (атайин «вазирлик» сўзини ишлатмадик) тасарруфидаги қурилиш иншоотлари, техник бўлимлар, лойиҳалаш ва конструкторлик бюрolari, маданий-тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳамда таъмирлаш бошқармалари, шунингдек, режалаш ва молиявий ишлар бошқармаси, қотибият, девонхона ходимлари ҳамон давлат тилида иш юритишга ўтмаётганлари билан келиши бўлмайдди. Ҳужжатлар рус тилида расмийлаштирилади, матнлар рус тилида машинкадан чиқарилади, йўғинлар ҳам деярли рус тилида. Давлат тилида иш юргизишга жадал киришган марказий идора ва ҳатто раҳбар маъмурий ташкилотларда ҳам миллий тилдаги сўзлар, атама, ибораларнинг мантқ-маъносига тушуниб-тушунимай ифодаланмоқдаки, натижада кош қўяман деб, кўз чиқаришдай ҳоллар содир бўлаётир. Масалан, «Министрлик» сўзи «вазирлик» билан

балки Олий Совет Олий Кенгаш деб ўзгартirilганлиги сабабли ундан фарқли ўлароқ бунисини «Министрлар (вазирлар) маҳкамаси» дейилиши маъқул топилгандир. Бироқ, шундай эътиборли, раҳбар ташкилотни маҳкама билан тенг қилиш ундан афзалроқ эмас-ку?

Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор, дейди халқимиз. Бу бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, ҳар бир сўз, ҳар бир ибора, таъбир ўз ўрнида, тўғри ифода этилиши, тўғри ёзилишига қараб баҳоланади, ўз мазмуни, маъносини топади.

Аҳён-аҳён ёнгинагиздан гириллаб ўтиб қоладиган айрим троллейбуслар бикинига кўз ташланг, беихтиёр «Меҳр-шавқат», бешинчи трамвай қаншарига «Қўйлюк», мороженохоналарга «мўз қаймоқ», «Газли сув» ўрнига «Газли-сув», «газ-сув» деб ёзиб қўйилганини кўриб қулгингиз кистайди. Қатор магазин, дўконлар пештоқида чиройли, йирик ҳарфлар билан ёзилган «Маданий моллар» (тавба, маданиятсиз моллар ҳам бўладими, деб ёқа ушлайсиз), «техника моллари», «электр моллари», «Болалар моллари», «Келин-куёвлар учун моллар» ва ҳатто «Озиқ-овқат моллари» деган таъбирларни ҳам учратиб қоласиз.

Тўғри, бир замонлар савдогарлар чет юртларга бориб мол (бойлик маъносидан) олиб келишган, «Кооперативга мол келди», «мол тушди» деган ибораларни ишлатишган. Ўша маҳаллар

Конкурс-танлов ҳомийси: Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий саноат, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.



«Алберс Еуропа Қонсалтанси» (АЕС) компанияси ваколатхонаси учун Санобар Ахроровна ўз вазирлигидан иккита хона ажратиб бериб янглишмаганлигини ҳис этди. Компания президенти Карэл Аахбэпз икки йил муқаддам Тошкентда бўлганида Санобар Ахроровнага ўйлаган ўз режаларини сўзлаб берганди. Ушанда у Ўзбекистонга ҳар томонлама кўмаклашишга ваъда бериб кетган эди. Бизнесмен тезда ваъдасининг устидан чиқди.

**КОМПАНИЯНИНГ** дастлабки ёрдамидан ногиронлар баҳраманд бўлдилар. Голландиялик биродарлар уларга атаб 500 та замонавий аравача юборишди. Орадан кўп ўтмай, дўстларнинг воситачилиги билан компьютерлар олинди. Шу тариқа, республика социал-таъминот вазирлиги билан АЕС компанияси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ривожлана борди.

— Май ойида биз дўстлар ҳузурида бир ҳафта бўлиб кўп янгиликлар билан танишиб қайтдик,— дейди республика социал таъминот вазири С. А. Хўжаева.— Улар бизнинг ҳаётимиз, бозор иқтисодиётига ўтти давридаги қийинчиликларимиз қанчалик бартараф этилаётганлиги билан туғишганлардек қизиқтиришди. Биз мавжуд аҳволни бўямай, яширмай сўзлаб бердик. Шундан сўнг, дўстларимиз республика социал таъминот вазирлигига қарашли интернатларнинг тарбияланувчиларига, қариялар уйлари, нафақажўрларга мадад бўлсин деб, катта миқдорда инсонпарварлик ёрдами юборишди. Энди ётиб қолган беморлар учун махсус кроватлар юборишмоқчи.

Ўзбекистон бошқа регионларга нисбатан тинч, осойишта бўлганлиги учун ҳам голландиялик бизнесменлар республикамиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга чоғланмоқдалар. Йил бошида социал таъминот вазирлигининг воситачилиги билан Ўзбекистон мева, сабзавот, вино саноати концерни голландиялик ишбилармонлар билан алоқа боғлади. Хабарингиз

бор, компанияга қарашли «Вольф Энд Вольф» ва «Себеко» фирмалари картошка етиштиришда жаҳонга машҳур. Фирмаларнинг вакиллари турли мамлакатларда шартнома асосида картошка етиштириб жаҳон бозорини зарур маҳсулот билан тўлдирмоқдалар. Бу йилдан бошлаб Ўзбекистон ҳам улар учун тажриба майдони бў-

гиз голландиялик ишбилармонларнинг иши билан танишиб келишигиз мумкин.

Юқори Чирчиқ районидagi Аҳмад Яссавий номли (собиқ Свердлов номли) жамоа хўжалиги баҳорда голландиялик фермер Питер Таксопеюсга 120 гектар ер ажратиб берган эди. Апрель — май ойларида у ерларни текислаш, экишга тайёрлаш билан шуғулланди. Сўнг Голландиядан юборилган уруғлик картошкаларни қабул қилиб олиб бирма-бир қўлдан ўтказди. Питер ўзи билан бирга картошка экадиган сеялка ҳам олиб келган эди, экиш олдидан уни яхшилаб созлади. Сўнг экишга киришди. Уч нафар жамоа хўжалиги унга ёрдам берди.

Сеялка картошкани 12-14 сантиметр чуқурликка таи-

мўл бўлса таннарх ўз-ўзидан пасаяверади.

Дала бошида суҳбат қи-зиб кетди.

— Картошкadan кузда мўл ҳосил олишингизга ишончимиз комил,— деди «Вольф Энд Вольф» фирмаси халқаро картошка етиштириш лойиҳалари мудир Шейф ван Хам.— Ҳамма гап уруғда. Биз етиштирган уруғ ҳеч қачон панд бермайди. Ўзбекистондан ташқари Қозоғистон, Бошқирдистон, Красноярск ерларида ҳам картошка етиштирялмиш. Утган йили Кемерово ва Сиктивкар ерларидан мўл ҳосил олдик. Агар йилга 12 жойда картошка экаётганимизни ҳисобга олсангиз, демак бизга одамлар ишонса бўлади. Яқин йиллар ичида Ўзбекистон картошка уруғини етиштирадиган бў-

рафиқаларимизни олиб келганмиш.

Голландияда менинг 60 гектар ерим, техникам, отуловим, кичик корхонам бор. 20 гектар ерга картошка эксам, қолган қисмида лавлаги, сабзавот маҳсулотлари етиштираман. Рафиқам Аус менга кўмакдош. Яхши ишлаб гектар бошига 35—40 тоннадан картошка олялмиш.

Дўстим Петернинг далаларини кўриб турибман. Картошкани бироз чанқатиб қўйибди, айрим тунларда коларадо қўнғизларини кўрдим. Бу ёмон офат. Ундан қўтилиш йўлларини излаш керак. Бу ернинг иқлими иссиқ бўлганлиги учун сўғоришга ва ишловга зўр бермоқ зарур. Салқин тупроқда картошка кун сайин семиради.

Фермерларни фақат картошка эмас, халқимиз маданияти, турмуш тарзи, қувонч ва ташвишлари ҳам қизиқтиради. Улар кўп болали ўзбек хонадонларида меҳмон бўлдилар, тўйларда қатнашдилар, «Шарқ гули», «Протезчи» бирлашмаларини, амалий санъат музейини, Самарқанд шаҳри обидаларини бориб кўрдилар, Чимён бағрида дам олдилар. Таассуротлари бир олам эди. Ўзбекистон ҳаёти билан чуқур танишиш ижтимоини яратиб берган республика социал-таъминот вазирлигига, «Трансинторг» ташқи савдо фирмасига, «Ўзплодоовощвинпром» концернига қарашли «Сабо» фирмаси ва АЕС компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонасига чин дилдан ташаккур изҳор этдилар. Бундай учрашувлар кўпгина муаммоларни биргалашиб ҳал этишга, шахсий ва жамоалараро алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади. Ўзбекларда меҳр икки кўзда, деган ажойиб нақл бор. Бирбиримиз билан қанчалик тез-тез кўришиб турсак, меҳр шунчалик товланаверади.

Жасур НОСИРОВ,  
«Ишонч» муҳбири.

## ҚЎЛИНГНИ БЕР, ГОЛЛАНДИЯ!

либ қолади. Икки томон келишиб шунга қарор қилди.

— Фирма вакиллари республиканинг тўрт жойидан, жаъми 300 гектар ер ажратиб берилди,— дейди АЕСнинг Тошкентдаги ваколатхонаси менежменти Наталья Осипова,— «Ўзплодоовощвинпром» концерни билан тузилган шартномага мувофиқ голландиялик фермерлар бу ерларда картошка етиштирмоқдалар. Уруғлик, техника, ўғит ва химикатлар Голландиядан олиб келинди. Ишчи кучини эса жамоа хўжаликларида олишди. Ерларни ўзларининг кўнгилларидагидек қилиб тайёрлаб, шоннинг бошлариданоқ картошка экишга киришишди. Сентябрьнинг охирида ҳосилни йиғиштириб олишмоқчи. Айгандек, голландиялик бир гуруҳ оилавий фермерлар Ўзбекистонда ишлаётган ҳамкасбларининг ишлари билан танишиш мақсадида Тошкентга келишган. Ҳозирда улар далаларга чиқиб кетишган. Ис-тасангиз, сиз ҳам боришин-

лаб баланд пушта ҳосил қилди. Изма-из эгатларга сув қўйилди. Сўнг икки марта гербицид билан ишлов берилди. Картошка гуллагач, иккинчи сув берилди.

Фермерлар келган кун 18 гектарлик пайкал қондириб сўғорилаётган эди. Картошкалар бир текис гуллаган. Тупроқ майин, бегона ўт кўринмайди.

— Ҳар гектар ерга уч тоннадан уруғлик кетди,— деди Питер.— Кузда уч тоннамиз кам деганда ўттиз тоннани бошлаб келади. Энди 120 гектар ердан қанча ҳосил олишини ўзингиз ҳисоб-китоб қилаверинг.

— Бу йилги ҳосил қилинган харажатларни қопласа бас,— суҳбатга қўшилди хўжалик бош агрономи Урол Раҳимбердиев,— ҳамма нарса Голландиядан келтирилганлиги учун ҳам маҳсулот таннархи қимматроқ бўлиши мумкин. Ерларимиз бу йил картошкани ёқтириб қолса келаси йил пайкаларни яна ҳам кенгайтираимиз. Ҳосил

лади. Ҳосилни сақлаш, қайта ишлаш бўйича тажрибамизни ўргатамиз. Бизнес юрда бир килограмм ҳам картошка чиқитга чиқмайди, нобуд бўлмайди. Бу ерда ҳам биргалашиб нобудгарчиликка қарши курашамиз. Голландия технологияси ўзбек халқи ҳаётини фаровон қилишга ёрдам беради. Бунга ишонаверинг.

Ҳозир Тошкент вилоятининг икки хўжалигида, Фарғона ва Андижон вилоятларидаги биттадан хўжаликда Голландия технологияси бўйича картошка етиштирилмоқда. Ҳар гектар ердан 300 центнердан ҳосил олиш режалаштирилган.

Суҳбатга фермерлардан Ян Хохландни тортдик.

— Ер унумли экан,— деди у.— Менинг ҳам шу томонларга келиб ишлагим келаяпти. Ўзи мақсад ҳам шу. Ўзбекистонда ишлаётган дўстларимизнинг иш ва турмуш шароитлари билан танишиб чиққач, бир қарорга келармиш. Шунинг учун ҳам



Суратларда: Голландиялик фермерлар «Шарқ гули» бирлашмаси чевараларининг кўз нури ва қалб кўри билан тикиб чиқарилаётган рангоранг гулкўрпа ва палакларни, сўзана ва дорпечларни зўр қизиқиш билан томоша қилдилар. 2. Юқори Чирчиқ районидagi Аҳмад



Яссавий номли жамоа хўжалигида дехқончилик қилаётган голландиялик фермер Питер Таксопеюс (олдинда ўнгда) картошказорларида.

Сураткаш: Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ.

Закриёрхўжа аканинг меҳнат фаолияти уруш йилларига тўғри келди. Уша оғир йилларда у чорвачилик ҳам, дехқончилик ҳам, боғдорчилик ҳам қилди. Меҳнатда тобланиб, тажриба орттирди.

Урушдан сўнг аввал жамоа кейин шўро хўжалигида бригадир, бўлим агрономи ва бошқа ишларида ишлади.

1958 йили Ҳазратшоҳ кишлоғида янги боғдорчилик шўро хўжалиги ташкил қилиниб, бригадаларнинг бирига Закриёрхўжа Асадов етакчи этиб тайинланди.

— Ариқ бўйларида қаровен

## ФИДОЙИ МИРИШҚОР

20—30 туп жийда кўчатларидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди,— деб эслайди Закриёрхўжа ака.— Шундан сўнг ишга жиддий киришдик. Уша йили 32 гектар ерга олма кўчати экиб, боғ қилдик. Икки йил ичида боғлар 120-гектарга етди. Яна 12 гектар ер тоқзор қилинди.

1975 йилда 3. Асадов Занг даҳасига бўлим бошлиғи этиб тайин-

ланди. Занг даҳасида ҳам у тиниб-тинчимади. 430 гектар ерда тоқзор барпо қилди. Далаларнинг тошлоқлиги, сув танқислигига қарамай ҳар йили ўзумдан 500 тоннадан ҳосил олинди.

1989 йили 300 минг теракни «қаланга» қилди. 1990 йилда ҳам 200 минг туп мевали дархат кўчатлари, ўтказилди. 50 кг дан нок

ва олма уруғи қилиб, кўчатлар 1,2 ёшга киргач райондаги ҳар хил хўжаликларга улашиб берилди. Бу билан районда боғдорчиликни янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшди.

Ҳа, халқимиз дастурхонини тўкин-сочин қилиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган Закриёрхўжа Асадов ва у каби фидойи инсонлар меҳнати таҳсинга лойиқдир.

А. АСРОРОВ,  
Чортоқ райони,  
Ҳазратшоҳ кишлоғи.



МОДДИЙ ва маънавий мероснинг кадр-қимматини, миллий анъаналару урф-одатларнинг аҳамияти ва зарурийлигини, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тарих ва маданиятни, умуман, авлодларнинг давомийлигини миллий мактабсиз тасаввур этиб бўлмайди. Миллий мактаб тизимларини шакллантиришда доимо кўз олдимида ёш авлод келажак турмоғи керак. Шу боисдан таълим берувчилар ҳам миллий мактаб талабларига жавоб бера оладиган етук шахслар бўлишлари лозим.

Кузатувларимиз натижасида шунга амин бўлдикки, келгусида хал қилишимиз зарур бўлган кўпгина муаммолар бор, уларнинг муваффақиятли хал қилиниши ёшларнинг мактаб ҳақидаги тасаввурларини тубдан ўзгартириб юборади. Дастлабки муаммо мураббийларнинг, тарбиячиларнинг қайси жинсга оид бўлгани маъқул, деган масаладир. Қадим-қадимдан Шарқда ўсмирларга алоҳида, кизларга алоҳида таълим берганлар. Ёшлар тарбиясини (бошқа юмушлар каби) кўпроқ аёллар зиммасига юклаб хато қилдик. Биз ташриф буюрган мактаблардан бирида ўқитувчиларнинг барчаси аёллардан иборат экан. Бу пойтахтимизнинг кўпгина мактаблари учун хос ҳолат. Мактаб директори бир ўспиринни дарсни сабабсиз қолдираётганлиги учун тергамоқда, у эса кулимсираганча сақич чайнаб турибди. Ўқувчи ўзини бундай тутишидан эта жунжиккан ҳамроҳларимиздан бири танбех беришга киришган эдики, ахвол бутунлай ўзгарди. Уйда дадасидан ҳам танбех эшитмаган шекилли, кўз ёшини тўқканча бошқа бундай қилмасликка сўз берди. Эркак кишининг сўзи ҳам, салобати ҳам тарбияда иш берар экан.

Миллий мактаб тушунчаси ўз таркибига замонавий мактаб ёки замонавий таълим тизимлари деб қараладиган барча ижобий хусусиятларни қамраб олиши лозим. Миллий мактабни тамомлаган йигит «қирқ хунарнинг эгаси» бўлмаса-да, бир хунарнинг эгаси бўлиб етишиб чиқмоғи керак. Миллий мактабни тамомлаган ҳар бир киз олижаноб қалб эгаси, назокатли, ҳаёли бўлиш билан бирга пазанда, чевар бўлиши ҳам тақозо этилади. Энди, миллий мактаб тизимлари қандай манбаларга суянилган ҳолда яратилди, деган савол юзасидан фикр юритайлик. Миллий мактаб Шарқ мамлакатлари замонавий мактабларининг бирча ижобий хусусиятларини ўзида мужассам этса жуда яхши бўларди. Шу билан бир қаторда, миллий мактабда шарқона одоб-ахлоқ, юриш-туриш, кийиниш, муомала ва бошқа инсоний фазилатлар намоён бўлиб турмоғи шарт. Чунки мактабда шахс билим олиш билангина чекланмасдан, маънавий камолатга ҳам эришади. Туркий халқларнинг бир неча минг йиллик маънавий дурдоналари, маданиятли сарчашмалари ҳамда таълим жараёнида қўлланилган барча ижобий усулларини эътиборга олиш жуда ҳам муҳимдир.

Ўрганилиши зарур ҳисобланган фанларнинг сонини, уларнинг жойлашув тартибини, ажратилган соатлар ҳажми ҳақида алоҳида ўйлаш керак. Аввало, куйи синфлар (1—5 синфлар) ўқув дастуридан «Одобнома», «Меҳмоннома», «Сихат-саломатлик» курслари асосий фанлар қаторида ўргатилса. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Абу Али Ибн Сино, Умар Хайём каби бобокалонларимизнинг одоб-ахлоқ, меҳмон қутиш, сихат-саломатлик ҳақидаги бебаҳо фикрлари ёшларга сингдирилса зарар қилмаса керак. Юқори синфларда эса (5—8 синфлар) асосий фанлар қаторига қўшимча фанлар киритилиб, уларнинг ихтиёрлик асосида хунар ўрганишига шарт-шароит яратилса. Бундай ҳолларда бир мактаб доирасида 4—5 хунарни ўргатишга уринишнинг ўзи қулғили бўлар эди. Лекин ҳар бир мактаб бирорта хунарга ихтисослаштириш, моддий базасини шакллантириб олиш мумкин. Ихтиёрликни, яъни ўқувчиларнинг ўзлари севган касбни тан-

лашларига шарт-шароит яратиб беришни шу касбнинг тенги бўлмаган усталарини вояга етказишнинг асосий деб биладиган бўлсак, ҳеч ўйлаб ўтирмадан жорий қилиш мумкин. Хунар ўрганиш кунда ўқувчилар ўзлари танлаган касб ўргатиладиган мактабларга борадилар. Меҳр қўйган касбни ўрганаётган, интилувчан ёшлар гуруҳлари кўпайди шунда. Бу босқичда асосий фанлар қаторига «Оила», «Мантик», «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» «Тиб илми» каби курслар киритилса деган тақлимимиз ҳам бор.

Юқоридаги ўзгаришлардан ташқари асосий фанларнинг мазмунларини ҳам бойитиш зарур. Масалан, риёзёт фанидан ўтказиладиган машғулотлар жараёнида ўқувчилар бобокалонларимиздан Ал Хоразмийнинг араб рақамларини кашф этишга бағишланган рисоласини ва бошқа рисоаларини, Ал Кошийнинг ўнли каср сонлар тартиби ихтироси ҳисобланган рисоласини ҳамда бошқа алломаларимизнинг бу фанга оид бўлган рисоаларини ҳам ўрганишлари шарт. Жўрофия фалақийёт, маъданшунослик каби фанлар юзасидан ўтказиладиган машғулотларда ўқувчилар Шарқнинг буюк мутафаккирлари Абу Райхон Беруний, Улугбек, Қозизода Румий, Али Қушчи ва бошқа алломаларнинг; фалсафа фани юзасидан ўтказиладиган машғулотларда эса Форобий, Ибн Сино,

табни тамомлаган ўзбек ёшлари нима учун ҳарбий хизматда русча муомала қила олмаслик сабабларини изоҳлаш пайти келмадимми? Биз бунинг асосий айбдорлари сифатида ўқитувчиларни ва тил ўрганишга ўқувсиз деб ўқувчиларимизни кўрсатиб келдик. Рус тилини ўргатишнинг ўқув-услубий жиҳатлари ҳуусида эса ўйлаб кўрмадик, баҳс юритмадик. Ёшларимизни локайдликда, билимсизликда айблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки улар ҳинд, араб тилларига ихтисослашган мактабларда тилни ўрганиш намуналарини кўрсатиб турибдилар. Аввало, уларда ўрганилаётган тилга муҳаббат уйғотиш зарур. Ўргатишнинг сохталаштирилган эмас, соддалаштирилган усулларини қидириш лозим. Демак, рус тилига чет тили макомининг жорий этилиши тил ўргатишни назарда тутган, тил қонуниятлари, рус адабиёти дурдоналари билан бойитилган янги дарслик яратишни кўн тартибига қўяди. Мактабни тамомлаган ўқувчи бирорта чет тилини мукамал билмасад, ҳар ҳолда шу тилда суҳбатлаша оласа, шунинг ўзи катта ютуқ бўлади.

«Туркистон тарихи», «Жаҳон мамлакатлари тарихи» каби дарсликлар яратилиб, Шарқ ва араб мамлакатлари тарихи ҳақида ҳам тўлароқ маълумот бериш зарур. «Жаҳон мамлакатлари тарихи» дарслигини «Туркистон

лайдиган асосий хусусиятлардан биридир. Ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида тартибга солинмоғи керакка ўхшайди. Фақат таълим тарбия учунгина эмас, ўқувчисининг ҳатти-ҳаракати учун ҳам масъулиятни ўқитувчилар ўз зиммаларига оладиган пайтлар келгандир балки. Яъни ота-она қаторида ўқитувчига ҳам ўқувчи томонидан қилинган жинойтда маънавий иштирокчи сифатида қаралиши мумкин. Шунда ноқобил ҳар бир фарзанд учун ота-она мактабни, ўқитувчилар эса ўз навбатида ота-оналарни айбламасди. Демак, ота-оналар билан ўқитувчилар ўртасида тузилган шартномада ўқитувчи-ўқувчи муносабатларининг мажмуаси ҳам илова этилиши шарт. Мактаб ва ота-оналар ўртасида тузиладиган шартномаларда эса, мактаб ўқувчиларга юқори савияда билим беришни ташкил этишни, ўқувчилар шахсини ҳурмат ва ҳимоя қилишни таъминлаш, ўқувчилар ва унинг ота-оналари талаблари билан уларга таълим бераётган ўқитувчиларни ўзгартириб туриш масъулиятини ўз зиммасига олиши лозим. Шу билан бирга хусусий мактаб низомини ҳам ишлаб чиқиш керак. Зеро хусусий мактаб очиб ёшларга таълим беришни орзу қилган, вақти ва имконияти етарли бўлган университет ва олий билимгоҳларнинг етук олимлари жуда кўплай топилди.

Энди ўқитувчи-мураббийлар тайёрлаш сифатини ошириш, миллий мактабни шакллантириш жараёни билан қўшиб олиб бориш ҳуусида фикр юритмоқчимиз. Мактаб ўргатилаётган фанларнинг тартиби, мазмуни ҳуусида катта-катта ўзгаришлар амалга оширилаётган, қийинчилик билан бўлса-да, ривожланиш ва таракқиёт томон силжишлар амалга оширилаётган даргоҳ сифатида кўзга ташланиб турса, педагогик мутахассисларни тайёрлаётган олий билимгоҳларда эса бундай илгари силжишлар ҳозирча кўзга ташланмайди. Биз бу ерда мактаб ва олий билимгоҳларнинг иш дастурларини назарда тутмоқдамиз. Олий билимгоҳлар ҳамон эски ўқув дастурлари асосида мутахассислар

тайёрлашни давом эттирмоқда. Бунга янги дарсликларни қисқа муддат ичида яратиб бўлинмаслиги ҳам тўсиклардан бири бўлиб турибди. Олий билимгоҳларда ҳамон рус тилини ўқитиш учун ажратилган соат ҳажми ўзгармай келмоқда. Талабалар ўрганаётган «СССР халқлари адабиёти» курси ва бошқа бир қатор курслар тубдан қайта қуришга муҳтож. Туркий халқлар ва Шарқ мамлакатлари адабиётлари ҳақида алоҳида курс ташкил этилмаган. Тошкент Давлат университети «СССР халқлари адабиёти» таҳсилгоҳининг номини ўзгартириш билан бир қаторда, шу таҳсилгоҳ базасида Туркистон, Осиё, Шарқ ва Араб халқлари адабиётларини ўқитишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган янги типдаги таҳсилгоҳни вужудга келтириш мумкин. Олий таълимда юз берадиган ўзгаришлар, аввало, педагогик мутахассислар тайёрлаш сифатига жиддий таъсир этмоғи керак.

Бизнинг ёш авлод олдидидаги бурчимиз уларни меҳнатга лаёқатли, барқамол, етук шахслар ва оилани муқаддас биладиган инсоний фазилатлар эгаси бўлиш сари йўллаш ҳамда шу мақсадларига эришишларига кўмаклашишдан иборатдир.

Биз мазкур мақолада баъзи масалалар юзасидан ҳолисона фикр юритдик. Уйлаймизки газетхоилар мазкур масалалар юзасидан ўз фикрлари билан ўртоқлашадилар, деб умид қиламиз.

Лола МҮМИНОВА,  
Тошкент Архитектура  
Қурилиш институти ўқитувчиси,  
Музаффар ЖҮРАЕВ,  
Абу Райхон Беруний номидаги  
Тошкент Давлат техника  
университети ўқитувчиси.

## МИЛЛИЙ МАКТАБ ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА

Шарқ ва Араб фалсафасининг етук билимдонлари рисоаларини ўрганишлари керак.


Битирувчи синфлар (8—10 синфлар) да ўқишни давом эттириш истагини билдирган ўқувчилар мақсадли-йўналишли таълим тартибидидаги ўқувга жалб этилиши, эҳтимол мақсадга мувофиқ бўлар. Чунки, бизнинг назаримизда республикамизда ташкил этилган махсус мактаблар тартиби кенгайтирилиб, улар танланган соҳа бўйича олий ўқув юртига киришни хоҳловчи барча ёшлар учун хизмат қилишга буриб юборилса жуда яхши бўларди. Балоғат ёшига етган, ўзи севган касбни эгаллаган шахсни мажбурий равишда мактабда тутиб туриб, уларнинг ҳам олтин вақтини олиш, ҳам керакисиз сарф-харажатлар қилишнинг зарур ёки зарур эмаслиги ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Балки, шу икки йиллик ўқувни ота-оналар ҳисобидан пул ўтказиш орқали ташкил этиш мумкин бўлар. Бундай ҳолда, албатта, ўқишни хоҳловчининг аризалари ва танлаган ўқитувчилари инobatга олиниши шартдир.

Юқоридаги ўзгаришлардан ташқари фанлар тартибидида ҳам ўзгаришлар юз бериши муқаррардир. Аввало шуни таъкидлашимиз лозимки, биз муस्ताқил давлат сифатида Россия билан дипломатик муносабатлар ўрнатдик. Рус тили барча мактабларда ўргатиладиган мажбурий тил эмас, ўқувчиларнинг хоҳиши билан ўргатиладиган чет тилидир. Рус тилига чет тили макомининг берилиши, даставвал, рус тили кадр-қимматининг ошишига хизмат қилади. Ҳозирги таълим жараёнида қўлланиб келаётган тартибга, рус тили ва адабиётини алоҳида-алоҳида ўргатишга барҳам бериш керак. Чунки ҳар иккала дарслик ҳам ўқувчиларга рус тилини ўргатиш вазифасига бағишланмаган. Рус тилини ўргатишни асосий мақсад қилиб тузилган яхлит, бир бутун дарсликнинг ўз зиммасига юкланган вазифани бажара олади. 4—5 йил ва ундан ортиқ муддатларда шу курсларни ўқиб мак-

табни тамомлаган ўзбек ёшлари нима учун ҳарбий хизматда русча муомала қила олмаслик сабабларини изоҳлаш пайти келмадимми? Биз бунинг асосий айбдорлари сифатида ўқитувчиларни ва тил ўрганишга ўқувсиз деб ўқувчиларимизни кўрсатиб келдик. Рус тилини ўргатишнинг ўқув-услубий жиҳатлари ҳуусида эса ўйлаб кўрмадик, баҳс юритмадик. Ёшларимизни локайдликда, билимсизликда айблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки улар ҳинд, араб тилларига ихтисослашган мактабларда тилни ўрганиш намуналарини кўрсатиб турибдилар. Аввало, уларда ўрганилаётган тилга муҳаббат уйғотиш зарур. Ўргатишнинг сохталаштирилган эмас, соддалаштирилган усулларини қидириш лозим. Демак, рус тилига чет тили макомининг жорий этилиши тил ўргатишни назарда тутган, тил қонуниятлари, рус адабиёти дурдоналари билан бойитилган янги дарслик яратишни кўн тартибига қўяди. Мактабни тамомлаган ўқувчи бирорта чет тилини мукамал билмасад, ҳар ҳолда шу тилда суҳбатлаша оласа, шунинг ўзи катта ютуқ бўлади.

«Туркистон тарихи», «Жаҳон мамлакатлари тарихи» каби дарсликлар яратилиб, Шарқ ва араб мамлакатлари тарихи ҳақида ҳам тўлароқ маълумот бериш зарур. «Жаҳон мамлакатлари тарихи» дарслигини «Туркистон

Бизнинг ёш авлод олдидидаги бурчимиз уларни меҳнатга лаёқатли, барқамол, етук шахслар ва оилани муқаддас биладиган инсоний фазилатлар эгаси бўлиш сари йўллаш ҳамда шу мақсадларига эришишларига кўмаклашишдан иборатдир.



## ТИЖОРАТ САВОЛ-ЖАВОБЛАРИ

Саволларга Республика Социал таъминоти вазирлигининг етакчи мутахассиси Маъмур Кенжаев жавоб беради.

???

Отанинг ёши 82да, маҳаллий аҳамиятга эга нафақачи. Ҳозир улар 550 сўм нафақа олмоқдалар. Аслида кексалик нафақалари миқдори қанча бўлиши керак?

Р. Оллоберганов,  
Хоразм вилояти.

— 1992 йил 1 июлдан кексалик нафақасининг энг кам миқдори 1000 сўмга етказилди. Демак, сизнинг отангиз ана шу ойдан бошлаб, 1000 сўм олишлари лозим.

Республика ва маҳаллий аҳамиятга молик нафақа олувчиларнинг нафақалари масаласини 1992 йил 1 октябрдан қайта кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда. Бунда отангизга бериладиган нафақа — умумий иш стажи ва ўртача ойлик иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда оширилиши мумкин.

???

Мен 1936 йилда туғилганман. Бетоблигимиз туфайли турмуш ўртоғим ҳамда ўзим ишламаймиз. 1953 йилдан 1956 йил 22 майгача қанд заводда лаборант бўлиб ишлаганман. Буни тасдиқловчи меҳнат дафтарчам йўқолган. Архивда ҳам ҳужжатлар сақланмаган. Биргина касаба уюшмаси аъзоллиги билетим бор.

Кексалик нафақаси тайинлашни сўраб район социал таъминоти бўлимига мурожаат қилганимда, улар мумкин эмас, деб жавоб беришди. Айтгинчи, менга кексалик нафақаси бериладими?

Раиса Маматқулова,  
Булунгур райони.

1990 йил 12 сентябрдаги 369/16—52 сонли «Нафақа тайинлаш учун меҳнат стажларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 4-бандига мувофиқ, меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар бўлмаган тақдирда иш стажини бошловчи ҳужжат сифатида касаба уюшмаларининг аъзолик билетларини қабул қилиш мумкин.

Касаба уюшмаларининг билети бўлмаган тақдирда, меҳнат стажини касаба уюшмаси аъзосининг ҳисоб карточкасига асосан тасдиқлаш мумкин.

Демак, Сизга 55 ёшга тўлганингиздан кейин амалда қўлланилаётган қонуннинг 13 ва 21 моддаларига асосан тўлиқсиз иш стажи билан қариллик нафақаси тайинланиши керак.

???

Ёшим 55 да. 32 йилдан буён ҳайдовчилик қилиб келляман. Ҳозирда «Краз» машинасини бошқармоқдаман. Мен кексалик нафақаси олишим мумкинми?

Қ. Раҳматов,  
Чироқчи райони.

Фақатгина шахталарда, руда конларида, очик конларда, руда карьерларида, кўмир, сланец, маъ-

дан тупроқни ташиб чиқишдаги технология жараёнида бевосита банд бўлган юк автомобилларининг ҳайдовчилари: эркаклар 55 ёшга етганда ва камида 25 йиллик умумий меҳнат стажига эга бўлиб, шундан 12 йилу 6 ой мазкур ишда ишлаган бўлса, аёллар эса 50 ёшга тўлган, умумий меҳнат стажи 20 йил бўлса ва 10 йил мазкур ишда ишлаган бўлса, уларга кўп йиллик хизмат нафақаси тайинланади. Сизга 60 ёшга тўлганингиздан кейин Қонуннинг 13 моддасига мувофиқ кексалик нафақаси тайинланиши мумкин.

???

Турмуш ўртоғим 1990 йил 13 декабрда вафот этган. 1976 ҳамда 1980 йилларда туғилган фарзандларим учун 550 сўм нафақа олиб турибман. Тўнғичим 1974 йилда туғилган. Ҳеч қаерда ишламайди ва ўқимайди. Унга ҳам нафақа тўланадими?

Робия Холова,  
Бухоро вилояти.

Сиз 1974, 1976, 1980 йилда туғилган фарзандларингиз учун 18 ёшга тўлгунларига қадар иш жойингиздан, ишламаётган бўлсангиз, район социал таъминот бўлими орқали ҳар уч ойда (қварталнинг охирида) мақсадли тўлов пулини олишингиз мумкин. Турмуш ўртоғингиз вафот этгани ҳисобга олинган ҳолда фарзандларингиз ўқисалар 23 ёшгача бўлмаса 18 ёшга тўлгунларига қадар уларнинг ҳар бири учун 1992 йил 16 мартдан 275 сўм, 1992 йил 1 июлдан 500 сўм миқдорида боқувчисини йўқотганлик нафақаси тўланади.

Саволларга Республика Социал таъминоти вазирлигининг бўлим бошлиғи Анвар АКБАРОВ жавоб беради.

???

Мен ҳарбий хизматдаги бурчимни бажариш учун комиссариат орқали махсус йигинга чақирилган эдим. Машқ пайтида ногирон бўлиб қолдим. Нафақа олиш учун қаерга мурожаат этишим мумкин?

Л. Тожиддинов,  
Тошкент шаҳри.

Ҳарбий хизматдаги шахс махсус машқ пайтида ногирон бўлиб қолса, унга ногиронлик нафақаси социал таъминот бўлими томонидан тайинланади.

Агар ногиронлик сабаби махсус машқ пайтида топширилган вазифаларни бажариш билан бевосита боғлиқ бўлса, ногиронлик нафақаси уруш ногиронлари учун белгиланган тартибда ва миқдорда тайинланади.

Президентимизнинг 1992 йил 1 июлдан иш ҳақи ва нафақаларнинг энг кам миқдорини ошириш тўғрисидаги Фармонига асосан, ҳозирги вақтда уруш ногиронларининг энг кам ногиронлик нафақалари қуйидагича белгиланган:

- I тоифага — 3250 сўм;
- II тоифага — 2275 сўм;
- III тоифага — 1000 сўм. (Мабодо нафақа 1990 йил 1 октябргача, яъни ҳарбий хизматчиларнинг янги нафақа қонуни кучга киргунга қадар тайинланган бўлса — 1325 сўм.)

???

Ўқийётган давр ёки болалиқдан ногирон бўлиб, тўлиқ давлат таъминотида турганларга тайинланган социал нафақа тўланадими?

Т. Жуманиёзов,  
Хоразм вилояти.

Болалиқдан ногирон бўлиб, давлат таъминотидаги мактаб-интернатларда (болалар уйларида) яшаб ўқисалар, уларга социал нафақа тўлиқ тўланади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, амалда қўлланилаётган нафақа Қонунига асосан социал нафақалар ишламаётган фуқароларга тайинланади ва тўланади. Лекин ногирон болалар ишлаётган тақдирларида ҳам нафақа тайинланади ва тўланади.

???

Бозор иқтисодиёти даврида аҳолини, аynиқса кексалар ва ногиронлар социал ҳимоясини таъминлаш ҳукуматимизнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Бу борада меҳнат жамоаларининг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор?

М. Алимова,  
Фарғона вилояти.

Нафақа Қонунининг 131-моддасига асосан корхона ва ташкилотнинг маъмурияти касаба уюшмаси қўмитаси ва меҳнат жамоаси кенгаши билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган ўз маблағи ҳисобидан ушбу жамоада меҳнат қилган фохрийлар, ногиронлар ва кексаларга турмуш шароитини яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга, жумладан қуйидагиларга ҳақлидирлар:

ходимнинг меҳнат ҳиссасини, умумий ва узлуксиз иш муддатини ҳисобга олиб, қўшимча давлат нафақалари белгилаш;

ноқулай меҳнат шароитида ёки алоҳида иқлим шароитидаги районларда банд бўлган ходимлар учун, агар улар нафақа Қонунига мувофиқ меҳнат шароитларига кўра имтиёзли нафақа олиш ҳуқуқидан фойдаланмасалар, муддатидан олдин нафақа жорий этиш;

ишлаётган кексаларга нафақа Қонунига кўзда тутилганидан имтиёзлироқ шартлар билан нафақа тўлаш; бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга қараб туриш учун устама ҳол белгилаш; ушбу меҳнат жамоаси олдида алоҳида хизмат кўрсатган ходимларга ва аввало меҳнатда юксак натижаларга эришган ходимларнинг нафақаларига шахсий қўшимча ҳақ жорий этиш, кексалик нафақасига чиқиш чоғида бир вақтнинг ўзида нафақа тўлаш.

Корхоналар ва ташкилотлар ижтимоий ривожланиш учун мўлжалланган ўз маблағлари ҳисобидан кексаларга уй-жой майдони учун ҳақ тўлашда, болаларни корхона ва ташкилот қарамоғидаги болалар муассасасида сақлаш учун ҳақ тўлашда имтиёзлар белгилаб қўйишга, ёқилги, коммунал хизмат, яқка ҳаракат воситалари, кексалар учун зарур бўлган бошқа нарсалар, уй-жой қуриш, боғдорчилик, гараж қуриш кооперативларига пай бадаллари қийматини қисман ёки тўла тўлашга ва бошқа ёрдамлар кўрсатишга ҳақлидир.

Корхоналар ва ташкилотлар ана шу корхоналар ва ташкилотлар ихтиёридаги спорт соғломлаштириш комплексларида, дам олиш уйларида, пансионатлардан, санаторийлар ва маданий-маърифий муассасалардан фойдаланиш чоғида кексаларга имтиёзлар беришлари зарур.

● Саҳифани ишлаб чиқариш ва ноширлик бўлими тайёрлади.

Тошкент шаҳар, Собир Рахимов району кўрлар (ногиронлар) жамияти аъзоларига Тошкент шаҳар Поифаза савдоси идорасининг раҳбари Уткир Каримов ва 38-

**САХОВАТПЕШАЛАР**

магазин мудири Шухрат Мағдалиевлар ўз ҳисобларидан 100 қуфт калишни ёрдам тариқасида ҳаля қилдилар. Шу савдо ходимларига жамият аъзоларимиз номидан миннатдорчилигинингизни газета орқали етказсангиз.

**Туроб МАКСУДОВ,** Собир Рахимов район, кўрлар жамияти тафтиш комиссиясининг раиси.

**УМИДИМИЗ БОР**

**ҚАМБАРОТА** сайилгоҳи Анджион — Уш йўлида, Хўжаобод районининг Тўраобод қишлоғида жойлашган. Бир томони Фарғона тоғ тизмалари билан туташ, иккинчи томондан эса Оқбура сойи оқиб ўтади.

Муздек булоқ суви, мевага боғлар, мусаффо тоғ ҳавоси бу ерда дам олувчиларнинг, шунингдек, даволаниш ниятида келганларнинг баҳри-диллини очади. Бу масканда қон босими, бронхит астама, кам қонли, юрак, нерв, буйрак, оқсоқон, ревматизм касалликларига чагулинган беморлар шифо топишяпти. Шунинг учунми дам олишни истовчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Аммо бу шифобахш жойда кўнгил-

дагидай ҳордиқ чиқариш учун етарли шарт-шароит йўқ. Дам олиш хоналари кам. Битта чойхона, чўмилидиган ҳовуздан ташқари диққатга сазовор ҳеч вақони кўрмайсиз.

Биз мутасадди раҳбарлар Хўжаободнинг ушбу сайилгоҳда социал-иқтисодий ва ташкилий тадбирларни ижобий ҳал қилиниши, қолаверса тез кунлар ичида «Қамбарота» сайилгоҳи Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган беморларнинг дардига шифо бўладиган энг яхши даргоҳлардан бири бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

**Собиржон ИҶДЎШЕВ,** Анджион вилояти, Хўжаобод район, Тўраобод қишлоғи амбулаториясининг шифокори.

**Хатлар - ҳаёт ойнаси**

*Тахририят ярим йил ичида (1—VI—1992 й.) 1392 хат олди. Шундан салкам мингтаданга газета саҳифаларида фойдаланилди ёки муаллифларга ёзма жавоб қилинди. 333 та хат эса тегишли идораларга юборилди.*

**Вилоятдан келган хатлар ҳаракати**

- 1. Тошкент вилояти — 82 та.
- 2. Самарқанд вилояти — 166 та.
- 3. Фарғона вилояти — 65 та.
- 4. Анджион вилояти — 85 та.
- 5. Бухоро вилояти — 130 та.
- 6. Сурхондарё вилояти — 110 та.
- 7. Хоразм вилояти — 61 та.
- 8. Қорақалпоғистон — 35 та.
- 9. Навоий — 16 та.
- 10. Тошкент шаҳри — 85 та.
- 11. Сирдарё вилояти — 85 та.
- 12. Қашқадарё вилояти — 211 та.
- 13. Наманган вилояти — 84 та.
- 14. Жиззах вилояти — 161 та.

«Хурматли ва сеvimли «Ишонч»

**БИЗГА** ёрдам беришингизни сўрайман. Турмуш ўртоғим Афғонистонда хизмат қилган. 1987 йил апрель ойидан бери уйга навбатда тураман. Лекин баъзи бир бюрократ раҳбарларнинг дастидан уй ололмаямиз. 3 та фарзандим, мен, турмуш ўртоғим 1 хонали уйда 5 йилдан бери яшаймиз. Шароитимиз кун сайин кийинлашиб бораёпти.

Уй қуралик десак, турмуш ўртоғимнинг соғлиги йўл қўймайди, бунинг устига ҳозирги замонда қурилиш материалларини топши амри маҳол.

Бу хатни сен хурматли «Ишонч»га катта ишонч билан ёзайман. Уйлайманки, сенга бўлган ишончим пучга чиқмайди.

**Жиззах вилояти, Галлаорол райони Охунбобоев кўчаси, 55-уй. Орипова Ойсара.**

Хат 14—3—8 тартиб сони билан рўйхатдан ўтказилиб, 1992 йил 21 апрель куни Жиззах вилояти ҳокими номига юборилган эди. Хатимизга жавобни Галлаорол Район ҳокимининг биринчи муовини А. Турсунқуллов имзоси билан (хат 1992 йил 18 июнь куни 204 рақам билан жўнатилган) 10 июлда олдик.

Бу жавоб хатни ҳам тўлагичига ўзгартирмай эълон қилишни лозим топдик.

**«Ишонч» рўзномаси муҳарририятига Нусхаси: Жиззах вилояти ҳокимининг муовини ўртоқ Ҳожимуродов А. га**

*Галлаорол шаҳар Охунбобоев кўчаси 55 уйда яшовчи Орипова Ойсаранинг 21 апрель 1992 йил 14—3—8 сонли ёзган хати жойида ўраниб чиқилди.*

*Ҳақиқатан ҳам Орипова Ойсаралар яшаётган уйда бузуни кунда икки оила бирга яшамокда. Шу сабабли Орипова Ойсаранинг турмуш ўртоғи Орипов Нуриддинга Галлаорол шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг 1990 йил 28 августдаги 78 8-сонли қарорига асосан уй қуриш учун ер участкаси ажратилган.*

*Уй қуришга кераклик бўлган қурилиш материаллари сотиб олиш учун фуқаро Орипов Нуриддинга ажратилган участка билан банкдан қарз пули олишга кераклик бўлган ҳужжатлар тайёрланмоқда. Ҳозирги кунда фуқаро Орипов Н. уй қурилишини бошлаган.*

*Фуқаро Орипов Н. га қурилиш материаллари ва жамғарма банкдан қарз пули ажратилганлиги ҳақида сизларга қўшимча маълумот жўнатилади.*

**Галлаорол район Ҳокимининг биринчи муовини А. ТУРСУНҚУЛОВ.**

**ГАЗЕТА** даллол ёки ҳислам эмас. Ким ҳақ, ким ноҳақлиги ҳар кимнинг виждонига ҳавола. Заҳар-ҳанда гап айтмаймиз, айтмоқчи ҳам эмасмиз. Энг муҳими шу кийин ах-

**АДОЛАТ-ОЛИЙ ФАЗИЛАТ**

*«Адолатли бўлиш учун кўп нарсани билш шарт эмас...» деган эди немис олими Георг Лихтенберг.*

*«Хатлар — ҳаёт ойнаси»да эълон қилинаётган мактубларнинг аксарияти адолат талаб ҳаллардир. Шу босидан хат муаллифлари истаган адолатни топишда уларга ёрдамимиз тегармикан, деган ниятда баъзи мактублар ҳақида тўлароқ тўхталдик. Ҳар сафаргидек ниятимиз зинҳор бировни ранжитиш эмас, аксинча уларни яхшиликка ундаш. Келинг, биргалашиб ўқийлик.*

**«ХУРМАТЛИ МУҲАРРИРИЯТ,** бу воқеани ёзмасдан иложим йўқ,— дебди «Ишонч» муҳлиси.— Қашқадарё вилояти Муборак район «Хитоб» давлат хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи Музаффар Мавлонов.— Шу йилнинг 11 апрель куни соат тахминан кундузи 2 да 5 ёшли ўғлим Низомжон кўчада ўйнаб юрганда шамолдан электр сими узилиб тушган. Бола тоқли сими ушлаган шу захотидек котиб қолган. У билан бирга ўйнаб юрган Мақсуджон деган ўртоғи чопиб бориб воқеани момосига айтган. Момоси дол-фарёд кўтариб даданин чақирди. Дадан Низомжоннинг электр симида ажратиб олади. Шу пайтгача Низомжон қоп-қорайиб кетган, бежор ҳолда уйга олиб келинаётганда муаллим Норкул ака чиқиб, болани даданин қўлидан олиб, тезлик билан зах ерга ётқизганча массажа қила бошлади. Мен етиб келганимда бола даярли нафас олмасди. Мен турмуш ўртоғим бўз-бўз йилгилдик. 15—20 минутлар ўтган Низомжон нафас ола бошлади. У тирик қолди.

Уғлимнинг омон қоллишига сабабчи бўлган одам мена ҳам ўқитган, ҳозир ҳам И. Охунбобоев номли 29-ўрта мактабда директор бўлиб ишлаётган Норкул ака Жабборов бўладилар. Уқитувчининг иши фақат яхшилик экан. Бу воқеа шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади».

лаб эса умуман бирон сўм ҳам юборилмаётган экан.

Болалари ундаган сари харажатлари ҳам ортиб кетибди. «Уларни ўқитиш, кийинтириш, корини тўйгазиш учун ўзимнинг ишлаб топган пулим етмайяпти. Қорақалпоғистоннинг Эликкалга району сулга бир неча бор мурожаат қилдим, чунки собиқ эрим уша районда ишлайдилар. Афсуски жавоб ҳам, мадад ҳам олмадим. Бировнинг ташвиши эрта кирса, кеч чиқади, деб шунга айтилса керак-да».

Гап ўз ҳуқуқини талаб қилётган онадагина эмас, гап асосан болалар тақдирини. Максалимиз ота (унинг исмини айтмадик)ни уялтириш, халқ олдида изза қилиш эмас. Атиги ўз пуштидан бўлган фарзандларига ёрдам қўлини чўясин, демोकчимиз, холос.

Шоир Ғеъте «Киши ўзини қандай англаши мумкин?— деган саволини бера туриб, яна шундай жавоб қилди.— Ҳар қалай, хаёлпарастлик билан эмас, фақат фаолиятда англаши мумкин. Ўз бурчингни адо эт, уша захоти ўзингни — англайсан».

Ишонимизки ота тезлик билан ўз хатосини англаб, имконияти даражасида фарзандларига ёрдам беради.

Музаффар Мавлонов хатининг сўнггида «Дийримизда шундай ўқинишли ва яхши одамлар кўпаяверсин» дебди.

Айтганингиз келсин, «Ишонч» бундай ниятингизга бажонидил қўшаляди. Ўғлингизнинг ҳалосида Нуркул ака омон бўлсин ва Низомжоннинг никоҳ тўйида шу воқеани ёслаб, унга бахт-икбол тиласин. Орзуимиз шу.

**«ОХИРИГИ УМИДИМИЗ СИЗ-ДАН,—** деб бошлабди, Жиззах вилояти Фориш районда истикомат қилувчи Тўлқин Уразалиев ўз хатини,— кишлоғимизда бир аёлни туғруқхонага олиб бораётган эдик, машина-сим йўлда ботиб қолди. Трактор олиб келиб ҳам чиқаролмадик. Биз қанча елиб-югурмайлик ҳомиладор аёлга ўша захоти ёрдам берамиздик. У кўз ўнгимизда ҳомиласи билан оламдан ўтди...»

Хатда ёзилишича бундай воқеа бу кишлоқда бир неча марта бўлган эмниш. Сабаби Чорбоғ кишлоғи асфальт йўлдан 7 чақирим нарида бўлиб, киш ва баҳор вақтларида юриб бўлмас экан. Маҳаллий хўжалик раҳбарлари ваъадан нарига ўтишмас, хатто бирон марта кишлоққа келиб, суҳбат ўтказишни, халқ билан учрашишни билармас экан.

Хатни ўқирганимиз, ҳозирги кунларда ҳам шундай жойлар борлигига ишонмадик, кейин балки кам дароматли хўжалиқлар деб ҳам ўйладиқ. Хат муаллифи худди шундай савол туғилишини сезгандай ўтган йили хўжалик бир миллион сўм даромад олганини таъкидлади. Муаллиф «Қишлоқ аҳли билан йўл учун ҳар бир хондон биттадан кўй беришишга келишдик. Фақат йўл тартибга солинса бўлди», деб ёзибди хат сўнгига.

Биз бу ҳақда ҳеч нима дея олмаимиз, чунки у ердаги шароит билан таниш эмасмиз. Лекин 7 та мол-қўй отари бўлган Чорбоғ кишлоғи аҳолиси ҳам одамларга янаша ҳаққидирлар, деб ҳисоблаймиш.

Шояд хўжалик раҳбарлари, район ҳокимияти бу кишлоққа ҳам назар солиска. Иқомият топиб, шу кишлоқ аҳлини хурсанд қилса. Шундай бўлишига ишонамиз.

**ҒИЖДУВОН** шаҳар ҳокими И. Жаҳидов О. Хўжаев кўчаси 128-уйда яшовчи Тўлқин Ашуров арзисига биноан улар хондонда бўлади ва бу оила илтимосларини қондириш учун ёрдам қўлини чўзасди. Ашуров Тўлқинга 1992 йилнинг 1 апрелидан ҳар ойга 50 сўм миқдорда стипендия тайинланган. Оваси Зульфия Ашурова ишга жойлаштирилган. Айниқса мазкур оилга ер участкаси ҳам берилганини ўқиб, хурсанд бўлдик. Ёлғиз она ва унинг бири ногирон— жаъим уч фарзандига ҳокимлик томонидан кўрсатилган меҳрибончилик, одамийлик учун шу хондон аҳли қатори биз ҳам хурсанд бўлдик.

«Яхшиликнинг қучи унинг оддийлигидирлар. Бу Австрия ёзувчиси Эрнст Фейхтердебеннинг сўзлари. Бир-чора хондонга ташриф буюрган ва шу хондоннинг оғирини енгила қилишга ўзини даъват этган ҳоким кам бўлмайди ҳеч қачон. Биз газета тахририяти жамоаси И. Жалиловга ва унга ўхшаш оддий лекин ҳақикий инсонпарвар ҳокимларга ўз миннатдорчилигинимизни изҳор қиламиз.

Халқ дардига дармон, оддий кишилар маънафатини қўзловчи ҳокимлар ҳақида илик сўзлар айтишдан чарчамаймиз.

**АДОЛАТ—ОЛИЙ ФАЗИЛАТ.** Бу бежиз айтилмаган.

**Тўлқин МУХИДДИН,**

**Хонанданинг бахти**



**ГҶЗАЛ** Хива обидаларини Қаримбой билан томоша қилар эканмиз, хонанда суҳбат асосида шундай дейди: «Мен ўз қўшиқларимни шунчаки, томошабин-тингловчилар дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учунгина айтмайман, балки қўйлаганга аввалам бор ҳар бир тингловчининг фикрини, тасаввурини уйғотиб, қўшиқнинг ички оламига кириб у билан сўзсиз суҳбатлашишга, дардлашишга ҳаракат қиламан...»

Айтайлик, биз хофизнинг «Сувора», «Феруз Ё», «Феруз Ё», «Фигонки», «Пилхон айлама», «Кечолмасман», «ҶШбу кун» ва яна бир қанча классик ва халқ қўшиқларини тинглаганимизда хонанданинг сўзларига ишонч ҳосил қиламиз. Айниқса, унинг ижросида Отаҳий ғазали билан айтиладиган «Келур у қўнлар» қўшиғини эшитсак, шоирнинг дарду ташвишлари, гам-аламлари юрагимизни эзди, қийновга солгандай бўлади. Хофиз бу қўшиғи билан тингловчининг сеҳрлаб, аллақандай нотаниш дунёга етаклади ва биз унга ишониб гўзаллик ва озодалик масканига йўл оламан.

«Табнат ўз хоҳишига кўра, ҳамма нарсани мана сенга деб беравермас экан. Мен авваллари бор ораумини, бахтимни, овозимни ва иқодиий йўлдамни, устозим Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти Бобомурод ака Ҳамдамов тўғрисида тойдим,— дейди Қаримбой Рохимов.— Устозим мени ўз бағрига олар экан, катта бир дарё бўлиб, ўз оқими билан, ҳар доми ҳаётини дарду ташвишлари, гўзаллиги томон етаклайди. Мен устозим, Бобомурод ака олдида бир умр қарадорман...»

Болалик йиллари Қаримбойнинг қалбига ўрнашиб қолган орау тишчилик келмайди, у 8 синфни битириб, 15 ёшида, аксининг розилигини олиб, ўзи тугилиб ўсган Туркменистоннинг Тошовўз бешбўларидан қадимий Хоразм элига келиб, Урганчида педагогика билим юртининг мусиқа бўлимига ўқиниш иради.

Еш хонанда учун ўқини даври унутилмас йиллар бўлди. Қаримбойнинг гаипга қараганда, у мақом оламига бутунлай берилиб кетади. Борган сари Хоразм мақомлари ёш хонанда учун ҳаводек зарур, сувдек азиз бўлиб қолади. Албатта, ёш хонандани сеҳри музика оламига кириб кетиши ўз-ўзидан бўлмайди. Бу ишда Қаримбой Рохимовнинг биринчи устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, багстакор Қадимбой Рохимовнинг хизматлари катта бўлди. Қадимбой Рохимов билан суҳбатлаганимизда, у киши ўз шоғирдининг инсоний фазилатлари ҳақида гаипра кетди: «Мен шоғирдиним камтарлиги учун хурмат қиламан, унинг қалби тоза, инсонпарвар, энг асосийси у катта иймон эгаси... Қаримбой бугунги кунда танниди хофиз. У қаерда бўлмасин, қаерда қўйлазасин, катта хур-

мат ва izzатда, лекин мен шун қайтариб айтманки, камтарлиги унинг катта ютуғидир».

Қаримбой Рохимов Урганчи педагогика билим юртини тугатиб, йилгиллик бурчини адо этади, у Қарағанда шаҳрида хизмат қилиб, ўзи тугилиб ўсган Тошовўз шаҳрига қайтади ва у ерда болалар мусиқа мактабига хизмат қила бошлайди. Озгина фурсат ўтмасдан яна Хоразмга қайтиб, Гурлан районда мақом ансамблини ташкил қилди. Ниҳоят, 1984 йил Қаримбой Рохимов учун катта иқодиий бурчли йили бўлди. Уни К. Отаниёзов номидан Хоразм Давлат филармониясига хонанда сифатида ишга таклиф этишди. Қ. Рохимов қўшиқчилиги санъатини эгаллар экан, кўп ўқиди, асосан классик шоирларимиз Бобур, Отаҳий, Фузулий, Фурқат газалларидан баҳраманд бўлди. Улардан илҳом олди. Шунингдек, хоразмлик шоирлар Эркин Мадрохимов, Қадим Сандмуродов, Суҳбат Абдуллаев ва Нурағ Каримовлар билан биргаликда янги қўшиқлар яратди. Айниқса, С. Абдуллаевнинг «Унутма мени», Э. Мадрохимовнинг «Замон бўлди» қўшиқлари хонанданинг юрагидан отилиб чиқётган олов чўғларига айлиниб, ҳаммаёқини ёритиб юбораётганга ўхшайди...

Хонанда камтарлик юзасидан бўлса керак ўзи ҳақида қамроқ гапиринини афзал қўлади. Шунинг учун, мен Қаримбойнинг яна бир устози, Бобомурод Ҳамдамов билан суҳбатлашиб, ёш хофизнинг ички оламини янада чуқурроқ билишга ҳаракат қилдик: «Қаримбой 12 ёшида ота-онасидан ажудо бўлади ва ағаси қўлида қолади. Ағаси Урозбой Рохимов Қаримбойга кам ота, ҳам она бўлиб, уни тарбиялайди. Ага-ага ўз меҳнати билан яшаб, қийинчиликларга бардош берадилар қишларда. Худди шу фазилатлари учун шоғирдин ҳаётда ва иқода ўз ўрнини топа олди».

Ҳа, Бобомурод ака ҳақ, иқодкор ўз иқодиини таҳлил эта билиши, унинг энг асосий фазилатидир. Мен иш юзасидан Хоразмда тез-тез бўлганлигим тўғрисида Қ. Рохимов иқоди билан қар томонлама танишман. У ҳар бир асар устида машқ қиладди. Созанда аъёллари билан мусиқа оҳангларни сўзларга, сўзлар эса мусиқа оҳангларига чамбармас боғлашиб, бир-бирларини бойитиб, асосий иқодиий мақсадини очиб берамуғлага, тиниб-тичи-майди. Хатто баъзан битта қўшиқ устида ҳафталаб, ойлаб машқ қилинади.

Қ. Рохимов кейинги бир йил ичида катта иқодиий ютуқларга эришди. У устози Бобомурод Ҳамдамов бошичилигида Хиндистон, Непал ва Африка давлатларининг қўшиқна шаҳарларида бўлиб, миллий санъатининг тарғиб этиб қўйдиган. Қорақалпоғистонда Хоразм маданият кўпалари ўтаётган пайтда хонанданинг юксак маҳорати муносиб тақдирланди. Қаримбой Рохимовга Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилди.

Биз ҳушовоз хонандига улкан ютуқлар, иқодиий парвозлар тилаб қоламиз.

**АКС САДО**

**«ТОВУҚ ҶҶРИСИ»**

МЕН «Адолат тарозиси» рукни остида газетда берилган «Товуқ ўғриси» сарлавҳали мақолани ўқиб, автор ўғлимнинг кўп фикрларига қўшилдим. Ешим 72 да. Авваллари ҳеч бир ўғрлик бежавоб қолмасди. Эсимда, бир бежоркор қўшмишиз қўйимиздан бирини сўйиб, сотмоқчи бўлганда маҳаллақўй аралашиб, уни роса изза қилишувди. Шундан сўнг маҳалламизда ўғрлик деган тўшунча йўқолиб кетувди. Афсус, бу сўз яна такрорлана-

**Вали РАҶИМОВ** Шайхонтоҳур райони



Одамлар орасидаги меҳр-оқибат ўлмасин экан. Олти нафар етим гўдакларни ўзи емай едириб, ўзи киймай кийдириб ўстирган Хушвақт опа Жўраева болаларга ҳам ота, ҳам она бўлиб, уларни бировга зориктирмай тарбиялади, уйл-жойли қилди.

Чирокчи районидаги 2-Қўдала шифохонаси болалар бўлимнинг ходими Хушвақт опа шу жойда 28 йил меҳнат қилиб, яқинда нафақага чиқди. Бугунги кунда пирибадавлат опахон 30 нафар неварога бош бўлиб қарийк гаштини сурмоқда. Бахтимизга омон бўлинг!

Суратда: Хушвақт опа Жўраева болалари, неваралари даврасида. **Жўра БОБОРАҶМАТ** олган сурат

Баҳористон районидаги Сулаймон Муродов номли давлат хўжалигида зоотехник бўлиб ишлаётган Менглимамат Лазьиев касбини ўзгартирди. Онда аъзолари хўжалик раҳбарлари билан келишган ҳолда фермер бўлиши. Лазьиев ташаббуси билан «Кизилсой» фермер хўжалиги ташкил этилди. Хўжалик билан беш йил муддатга ахдлашувга бино-

**ЗООТЕХНИК КАСБИНИ ҶЗГАРТИРДИ**


ан фермер хўжалигига 50 гектар ер ажратилди. Экин майдонларининг 30 гектарыга қўзга яра, қолган 20 гектарига хар хил экинлар экилади. Озукага экинган перко ўрилиб, қорамолларга едирилмоқда. Бошқили дон ўриб-ячиб олинди. Менглимамат давлат банкидан 50 минг сўм қарз олган эди. Унга 24 беш қўрақомам, 15—20 беш кўй-эчки, йилқи сотиб олди. Пулнинг бир қисмига олда аъзолари ва укасини ёнига олиб

**ШИФОБАХШ СУВ ДАВОЛАЙДИ**

Ўрта Осий сув қўдукларини пармалаш гидрогеология экспедицияси вакиллари 1989 йилдан буён Поплагни Фурумсарой қишлоғида пармалаш ишларини олиб боришарди. Пармалаш пайтида сув таркибидан инсон аъзолари учун ниҳоятда шифобахш моддалар борлиги аниқланди. Бир йил ичида суткасига 175 куб, секундида 3 литр сув чиқадиган умумий чуқурлиги 2071 метр қудуқ қазиниб, кинилок шифохонаси қосида шифобахш сув билан даволаш бўлими ишга туширилди. Шифобахш сув юрак-кон томир хасталиқлари, ошқозон-ичак, қандилиадиет, асаб ва генетик касалликлар билан оғриган беморларни даволайди.

**Рустамали МАМАДАЛИЕВ.**

**Жўра ЮСУПОВ,** Қашқадарё вилояти.



**Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари ҳаммиша катта фожеа бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қоляпти. Бу энг катта иқтисодий талафотларга сабаб бўляпти. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришда ҳар йили 10 мингдан кўпроқ киши жароҳатланапти, уларнинг 500 дан кўпроғи ҳаётдан кўз юмьпти. Бошқача қилиб айтганда, республикамиз ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли ҳар кун иқтисоднинг икки фуқаросидан маҳрум бўляпти, қониқарсиз иш шароити оқибатидаги йўқотишлар Афғонистон урушида кўрилган талафотдан ҳам анча катта бўляпти.**

Ҳар йили мингдан зиёд меҳнаткашлар жароҳатланиш оқибатида ногирон бўлиб қолишяпти, касб касалликларига чалинишяпти. Ота-оналари ишлаб чиқаришда ҳалок бўлганликларни туфайли минглаб болалар етим бўлиб қолишяпти, бунинг устига ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганлар оилаларининг моддий аҳволи анча оғирлашяпти.

Жамият кўраётган иқтисодий зарар тоғон тўловлари учун кетаётган харажатлардангина иборат эмас. Чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг камайиши оқибатидаги йўқотишлар, ишлаб чиқариш ускуналари, техника, транспорт ва бошқаларнинг шикастланиши ҳам бу зарарнинг салмоғини оширяпти. Статистика идораларининг маълумотларига қараганда республика ишлаб чиқаришда юз берган жароҳатланишлар ва ҳалокатлар, касб касалликлари натижасида иш қобилиятини вақтинча йўқотиш қарийб 35 миллион иш кунини ташкил этмоқда.

Республикамиз меҳнаткашлари бешдан бир қисмининг иш шароити қониқарсиз, айни пайтда ҳар бир ишловчига меҳнатни муҳофаза қилиш учун ҳар йили қилинаётган харажат, шу жумладан коржомалар ва маҳсус пой-

нада ишлаётган барча шахслар меҳнатни муҳофаза қилиниши ҳукуки таъминланиши кўзда тутилган.

Шуниси муҳимки, қонун лойиҳасида барча корхоналарни соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шароити яратишдан иқтисодий манфаатдор қилиб қўйиш кўзланган. Бунда аввало маъмуриятнинг, ишга ёлловчиларнинг яхши иш шароити яратиш учун масъулиятини ошириш, меҳнат шароитлари қониқарсиз бўлган корхоналар учун сугурта таърифларини кўтариш назарда тутилган. Корхонанинг айби билан ҳодим ҳалок бўлган ёки иш қобилиятини йўқотган ҳоллардаги жавобгарлик оширилди. Чунинчи, ўлим юз берган ҳолларда ҳалок бўлган ҳодимнинг оиласи шу ҳодимнинг ўн йиллик иш ҳақи миқдоридан бир йўла тўланадиган тоғон олиш ҳукукига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ҳаққаро меҳнат ташкилотининг «Меҳнат ҳамда ишлаб чиқариш муҳитининг ҳавфсизлиги ва тозаллиги тўғрисида»ги 155-сон Конвенциясини қўлға киритиши ҳам республикамизнинг халқаро даражадаги яна бир муҳим қадами бўлади. Ўзбекистон Республика-

## ХАВФ-ХАТАРСИЗ МЕҲНАТ ШАРОИТИ ЯРАТИШ — БОШ ВАЗИФА

абзал сотиб олиш учун ажратилаётган маблағлар 25 сўмдан сал кўпроқни ташкил этяпти, ҳолос.

Бироқ шунга қарамай кейинги пайтларда одамлар саломатлиги ҳисобидан маблағни тежаб, фойда олишга интилиш авжига чиқа бошлади. Кўпгина хўжалик идоралари бошқарувни қайта ташкил этиш чоғида аввало меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳавфсизлик хизматларини қисқартиряпти. Иқтисодиётнинг давлат қарамоғидан ташқаридаги шубҳаси — кичик, бирлаштирилган ва қўшма корхоналар, фермерлик, дехқончилик, ижарачи хўжаликлар ҳодимлари амалда пухта ҳукукий ва социал ҳимоясиз қолдилади.

Республикада меҳнатни муҳофаза қилиш иши қониқарсиз аҳволдалигининг бош сабабларидан бири шуки, бизда бу йўналишда қонун билан бошқариладиган ягона сиёсат, шунингдек мулкчилик ва хўжалик юритиш шакли қандайлигини катъин назар меҳнатни муҳофаза қилишнинг бажарилиши мажбурий бўлган ягона қондалари йўқ.

Ҳозир мустақил Ўзбекистон давлатимизнинг, бутун жамиятимизнинг асосий мақсади туб социал ўзгаришларни амалга оширишда иборат. Бу йўналишда юксак маънавийликни тиклаш борасида катта иш бошланди. Меҳнат кишини тўғрисида ғамхўрлик қилиш асосий диққат марказида турибди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўзига берилган қонун чиқариш ташаббуси ҳукукига ҳамда «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳукуклар ва фаолиятлари қафолатлари тўғрисида» яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб Олий Кенгаш муҳокамасига тақдим этди. Қонун лойиҳасида конкрет тусдаги бир қанча янги ва принципиал тақлифлар кўзда тутилган.

Давлатимиз тарихида илк мартаба қабул қилинмажбу бу қонунда унинг меҳнат муҳофазасини бошқаришдаги роли, давлат сиёсатининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларидаги асосий қондаси пухта белгиланди. Бу — меҳнаткашларнинг ҳаёти ва саломатлиги ишлаб чиқариш фаолиятига нисбатан биринчи ўринда туриши ҳақидаги қондалар мажмуидир.

Қонун лойиҳасида мулкчиликнинг ва хўжалик юритишнинг шакли қандайлигиндан қатъин назар, ҳар қандай корхо-

си Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида 1992 йил учун тузилган Битимга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашини қўллаб-қувватлади ва Халқаро меҳнат ташкилотининг юқорида айтилган Конвенциясини қўлға киритиш учун Республика Олий Кенгашига тавсия этишни ўз зиммасига олди.

Аммо қасаба уюшмалари, хўжалик раҳбарлари ва ишга ёлловчилар меҳнат шароитини яхшилаш, жароҳатланишларни ва касб касалликларини камайтириш билан мунтазам равишда ҳар кун шугулланмас эканлар, ҳар қандай ташаббус зарур натижа бермайди. Қўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, жорий йилнинг биринчи ярмида ўлим билан туговчи бахтсиз ҳодисалар ўтган йилдагига нисбатан кўпроқ юз берди.

Шу боисдан, бизнингча, хўжалик юритишнинг янги шароитида меҳнат ҳавфсизлигини ошириш учун кишиларни меҳнатга тайёрлашни қайта кўриб чиқиш ва бу ишга янги ҳиссага ёндошиш зарур. Бу ёндошув малака ошириш, мунтазам равишда йўл-йўриқлар бериб боришни, меҳнат шароитлари ва касб билан боғлиқ хавф-хатар тўғрисида объектив маълумотларга эга бўлишни ўз ичига олиши лозим. Меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассисларини қайта ўқитишга, меҳнат шароитлари билан имтиёзлар ва тоғонлар тизими ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш чоғида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш учун барча даражалардаги бошқарув идоралари билан қасаба уюшмалари қўмиталари ўртасида социал-иқтисодий масалалар юзасидан тузилган битимлардан, шунингдек жамоа шартномаларидан мумкин қадар самаралироқ фойдаланиш мақсадаги мувофиқ бўлади.

Бизнинг вазифамиз бу ҳужжатлар меҳнаткашларнинг иш шароитларини яхшилашда уларни ҳимоялашнинг асосий воситаси бўлишига эришишдан иборатдир.

**В. НИЧКАСОВ,**  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари  
Федерацияси кенгашининг  
меҳнат масалалари бўйича бош  
техник назоратчиси.

# «САБР КОСАМИЗ ТЎЛДИ»

ДЕЙИШДИ АРНАСОЙ РАЙОНИДАГИ

ЖУКОВ НОМЛИ ДАВЛАТ

ХЎЖАЛИГИНИНГ ҚЎПЧИЛИК

ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ

АЙТБЕРДИ Асанбоев раҳбарлигида хўжалик икки йилдан бери пахта планини бажараётган экан. Бу яхши. Бироқ план қандай бажариляпти, таннарх қандай, рентабеллиликчи, одамларнинг ҳақ олиши, турмуши қанақа? Раҳбарнинг муомаласи, инсоний фазилатлари талабга жавоб берадими? — директорга баҳо беришда мана шу томонларни ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Одамгарчилик нуқтаи назаридан қараганимизда, хўжалик раҳбарининг қаҳрамон оналарни кабинетидан ҳайдаб чиқаришини, 30—40 чоқли она болаларининг нафақасини сўраб келганида, уларга қўлини бигиз қилиб, «манави итдай болалайдиган...»ларга пул бериб юбор! — деб идорада, эркаклар ҳузурида ҳақоратлашни кечириб бўладими! Шуниси ажабланарлики, биз бу гапларни ҳоким Бойкенжа Холиқуловга сўзлаб берганимизда, у парво ҳам қилмади.

Район прокурорлигида Даврон Юнусов ҳақида тушган материал ҳақида гап кетганида учта далил хусусида мулоҳаза юритиш жоизга ўхшайди. Шу йил баҳор кунларда, жироғи, ёмғир ёққан туннинг эртасига район ҳокими Даврон Юнусов бошлиқ бўлган ижара ерларида моллар юрганини кўриб қолади. Албатта, бундай ҳолат ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Шу ўринда Б. Холиқулов Д. Юнусовни қаттиқ қойгани ўринли. Бироқ бу ишда фақат ижара бошлиғи айбдор деб, унинг ишини тергов органларига ошириш тўғримикин? Ижара механизатори бироз ернинг ғўзасини нобуд қилган, деган айб ҳам Д. Юнусовга тақалляпти. Ҳолбуки, Юнусов илгари бошлиқ бўлган ижара (Д. Юнусов ҳозир бекорчи, ишдан бўшатишган) ғўзалари бошқа ижараларнинг ғўзаларидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас.

Даврон Юнусовга одамларга томорқани 0,25 ўрнига 0,40—0,50 гектардан бергансан, деган айб ҳам қўйилган. Аслида, ерни ортиқча бериш — талон-тарожликнинг бир тури. Лекин Даврон Юнусовнинг бу ишини жиноят деб бўлармикин. Чунки у, биринчидан, давлат планидаги пахта ва маккажўхорини тўлиқ эккан, ортиқча томорқа эса ижара жамоаси кенгашининг қарорига асосан экилмай ётган ташландиқ ер ҳисобидан берилган. Д. Юнусов бизга ёзиб берган хатида томорқанинг одатдагидан кўпчилиги ҳамма ижараларга хос нарса деб кўрсатади ва бошқа ижараларда ҳатто ер пулга сотилган, буни ўлчаб кўринглар, деган талабни қўяди.

Район деҳқончилик-саноат бирлашмасининг бош иқтисодчиси Исоқ Авалбоев бошчилигида тузилган комиссия ортиқча экилган ерни ўлчаб билан роса етти кун банд бўлди. Шу етти кун давомида, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, битта ижара ерининг ярми ўлчаб чиқилди. Еттинчи кун охирида биз ер ўлчашни тўхтатишга мажбур бўлдик. Чунки район вакиллари ҳам, хўжалик мутахассислари ҳам айниқса, давлат хўжалигининг бош ер тузувчиси Жарликосим Жилхайдаров ҳам турли йўллар билан бизнинг ишлашимизга тўғаноқ бўлишди.

Гапнинг қисқаси, Рустам Жамбулов бошлиқ битта ижарада етти кунда 59 гектар қовун-тарвуз ва ерёнгоқ ўлчаб чиқилди. Ҳали ўлчанмагани эса, Д. Юнусов ва Д. Кўпжасаровларнинг гувоҳлик беришларича, яна 45—50 гектар чиқади. Демак, бир ижаранинг ўзида юз гектардан ортиқ ерга полиз экилган. Агар бундан пландаги 36 гектар ерни ва ижара аъзоларига берилган томорқани чиқариб ташласак, 40—50 гектар «эгасиз» ер борлигини тушуниш мумкин. Баротбек Абишев, Икром Шахабоевлар бошлиқ ижараларда ҳам, ҳатта кўрсатилишича, 30—40 гектардан ортиқча полиз экинлари бор.

Аслида ҳисоботларда кўрсатилмаган қовун-тарвуз ва ерёнгоқлар қолган 17 (жаъми 20 та ижара) ижараларда ҳам бор. Кимки бу гапларга шубҳа қилса, нуфузли комиссия туздириб, таҳририятга ариза ёзган Дармен Кўпжасаров ва Даврон Юнусовлар иштирокида текширув ўтказсин,

ўшанда ҳамма нарса равшан бўлади, қолади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ерни талон-тарож қилиш Жуков номли давлат хўжалиги раҳбарлари учун янгилик эмас, балки тарк этиб бўлмас одатга айланган. Қўлимизда вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси кенгашининг собиқ раиси М. Т. Долгийнинг аризагўйларга ёзган икита расмий жавоб хати турибди. Биринчиси 1989 йил 5 сентябрда ёзилган. Унда Жуков номли давлат хўжалигида 43 гектар ердаги ерёнгоқ ҳисоботлардан беркитиб келингани, 32,5 гектар ер томорқага ортиқча берилгани учун директор А. Асанбоев, бош агроном Я. Қабулбеков, бош ирригатор Т. Мамитов ўртоқлар агросаноат уюшмаси кенгашида жазоланганлиги, шунингдек, уларнинг иши Арнасой район партия қўмитаси муҳокамасига ҳавола қилингани кўрсатилган. 1990 йилги расмий жавоб хатида эса юқоридаги уч раҳбарга қаттиқ ҳайфсан берилгани қайд этилган. Афсуски, бу жазолар хўжалик бош мутахассислари, аввало директор А. Асанбоевнинг кўзини очмади. Бу йилги аҳвол эса директор Асанбоев ҳеч кимни писанд қилмай, қонунни оёқ ости этиб, ерни жинояткорона талон-тарож қилаётганини кўрсатиб турибди.

Асосий аризагўй Дармен Кўпжасаров — икита ижаранинг ҳисобчиси. У фақат бизга эмас, бошқа жойларга ҳам ариза-шикоятлар ёзган. Шу йил апрелда тугаган тафтишдан кейин эса унинг ёзишмалари кўпайди. Чунки унинг таъкидлашича, Жиззах вилоят агросаноат уюшмасидан келган тафтишчи хўжаликдаги молиявий нуқсонларни беркитиб кетишдан нари ўтмади.

Д. Кўпжасаровнинг хўжаликдаги талон-тарожликлар ҳақидаги далиллари эътиборни жалб этади. Масалан, директорнинг ўқаси Балғаш Асанбоев 1990 йилда 26 нафар номи бору ўзи йўқ кишига ҳақ ёзиб, 61748 сўм пулни ўзлаштириб юборгани, бошқа ижараларда ҳам шунга ўхшаш аҳвол ҳозир ҳам давом этаётгани, ҳатто 8—10 йил аввал ўлиб кетган ёки бошқа район, бошқа вилоятда яшаётган кишиларга ишлади деб ҳақ ёзиб олинаётгани кишини ажаблантиради. Ҳозир хўжаликка қайтадан тафтиш тайинланди. Юқоридаги далиллар ҳам, гўшт учун деб тузилган 211 минг сўмлик ведомость ҳам, болали аёлларга нафақа пули ва кийим пули берилмаётгани ҳам, директорнинг қўполиги ҳам, яна бошқа қатор фактлар ҳам аниқланади деб ўйлаймиз. Лекин бу нарсани айтмаслик мумкин эмас.

Хўжаликда бўлганимизда бизга юзга яқин киши учрашиб, ўз дардини айтиди. Айниқса, май ойи учун ҳозиргина иш ҳақи берилмагани одамларни ғазаблантирмоқда. Бир қоп ун сотиб олгани пулимиз йўқ, деб юм-юм йиғлаган аёлларни кўрганимизда, юрагимиз эзилди. Бу қандай адолат ахир! Директор бу жиноятни оқламоқчи бўлади, май ойида ёмғир кўп ёғиб, анча ер қайта экилган эмиш, шу сабабли шу ойга иш ҳақи берилмасмиш. Лекин директорга эркатой бўлган бир-икки ижара бошлиғи одамларга май ойи учун ҳам ҳақ олиб берибди. Буниси ҳам гоят ажабланарли.

Хўжалик меҳнаткашлари 1991 йил якунига бериладиган муқофот ва қўшимча ҳақни шу пайтгача олишгани йўқ. Ажабо, бу пуллар қверга кетди, нега буни ҳеч ким суриштирмайди!

Яхши раҳбар халқни норози қилмайди. Айтберди Асанбоев бўлса тобора одамлар билан терслашиб, ўзига ёқмаганларни қувғин қиладиган бўлиб бормоқда. У халқ билан яхши муомала қилолмайпти. Ана шу иллатлардан одамлар қаттиқ норози бўлишяпти. Улар орасидаги маънавий иқлим кишини ташвишлантиради. Жиззах вилоят ҳокимияти буни ҳисобга олади ва зудлик билан чора-тадбирлар белгилайди, деб ҳикоямизга нуқта қўймоқчимиз.

Саминжон СУЛТОНОВ,  
«Ишонч»нинг муҳбири.



## ПУЛЛАРИНГИЗНИ ТЕЖАНГ!

«НУРОН ЛТД» қуйидаги молларни бирмунча арзон нархларда сотиб олишни таклиф этади:

IBM PC-AT — 286 тоифасидаги якка тартибда фойдаланиладиган компьютерлар — 200-240 минг сўм;

— Ватанимизда ишлаб чиқарилган ЕС — 1841.10—50.55 минг сўм;

— MS-6313 тор принтерлари;

— «ГОЛД СТАР» — видеоплейерлари;

— Микросхемалар — М 2764 — 330 сўм;

— М 2756 — 780 сўм;

— шахсий буюртмалар бўйича оргтехника ва улар учун зарур материаллар.

## ЯНА ҲАМ ЯХШИРОҒИ — ҲАМ ПУЛЛИГИЗНИ, ҲАМ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАНГ!

«Муаммосиз баланс» дастури ёрдамида Сиз вақт ва маблағингизни қуйидагилар ҳисобига тежайсиз:

— молиявий аҳволни зудлик билан таҳлил қилиш;

— маблағларни ҳисоб варақаларига автоматик тарзда ўтказиш;

— баланс ҳисоботи ва бухгалтерлик ҳисоботининг ҳар қандай шакллариини олиш;

Бу дастурдан фойдаланиш учун бухгалтерларнинг тажрибали бўлиши шарт эмас. Фойдаланувчининг ўзи уни қонулардаги ўзгаришларга осонгина мослаштириши мумкин. Дастурни якка тартибда фойдаланиладиган ҳар қандай IBM га ёки шундай компьютерга киритса бўлади. Баҳоси — 4900 сўм.

Ҳақ фақат пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Шартнома тузишга ёрдамлашган шахсларни мукофотлаш кўзда тутилган.

Манзилгоҳимиз: Луначарский кўчаси, 63-уй, 203-хона (қўшимча бино).

Телефон: 67-24-50 Факс: 67-85-87 67-22-08 67-77-06

## ТАШКИЛОТ

Қуйидаги «КАЛИТ»ли дастурларни жорий этади:

	минг сўм:
— иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш	39
— моддий бойликлар ҳаракатланиши ҳисобини юритиш	37
— тўлов топшириқлари ва талабларидан кўчирма олиш	19
— асосий жамғармалар ҳисобини юритиш	25
— тайёр маҳсулот сотилиши ва ўтиши ҳисобини юритиш	39
— ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ҳисобини юритиш ва таннархини чиқариш	39
— мол етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар	39
— асосий дафтар ва баланс	49
— тижорат таклифлари ҳисобини юритиш	7

Тошкент шаҳрида, ҳақ тўланиши биланоқ IBM PC AT, ЕС 18 XX тоифасидаги компьютерлар ва қуйидаги ускуналарни етказиб берамиз:

— 286(287); 1(40)16 (VGA)1.2/1.44(МНШЬ) кенг принтер;

— 386(3875X; 1(40)25) SVGA (1.2)1.44(МНШЬ) STAR

— ЕС 1841, 1842, 1843, ЕС 1849 (АТга ўхшаш),

ПОИСК-2,

факслар, ксерокслар, модемлар, факс-платлар,

телефонлар,

бўёвчи ленталар (8 мм, 13 мм, 375 мм), дискетлар, факс ва принтерлар учун қоғоз (420 мм), «ETRON» видеомагнитофони телевизорлари билан (ГФР), монитор филтрлари;

— томга ёпиладиган материаллар ишлаб чиқариш учун шерик қидирялмиз.

— мебель учун ДВП.

Телефонларимиз: 67-04-90; 67-25-41, 67-78-17.

Соат 8.30 дан 19-00 гача кўнгирак қилишингиз мумкин.

## МУҲТАРАМ ТАДБИРКОРЛАР!

Сиз ўзингиздаги ортиқча маблағларни ўз фирмангизни ривожлантиришга сарфласангиз, қандай бўларкин?

### «АЖУР» РЕКЛАМА БЮРОСИ

Сизнинг фирмангиз доврўгини МДХнинг ҳар қандай нуқтаида ва

#### АЙНИҚСА

Урта Осиё республикалари ва Қозоғистонда тарқатишга тайёр.

Биз рекламанинг ҳар қандай тури билан шугулланамиз, айниқса «Менатен» ёки «МММ» сингари донг таратиш орзу-майлларига хизмат қилолсак, ўзимизни бахтиёр сезамиз.

#### ЛЕКИН БАРИБИР

Сизнинг ҳар қандай таклифингиз эътиборсиз қолдирилмайди.

Телефонимиз: (3712) 56-03-48 Манзилгоҳимиз:

700031, Тошкент шаҳри, Сапёрная кўчаси, 21-уй.

Ўзбекистон Республикаси Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги маркази 1992 йил 1 июлдан бошлаб тугатилди. Даъволар 1992 йил 1 сентябргача «Улўғбек» хўжалик ҳисобидаги марказида қабул қилинади. Марказ Аэропорт ёнидаги «Вокзалолди майдони»да жойлашган.

# «Азат» МУРОД

Қимматли китобхонлар, «МУРОД» фирмаси қошидаги «АКБАР-МИРЗО» нашр бўлими шу куннинг талаб эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қуйидаги китобларни чоп этди.

**Жамол КАМОЛ. Маккаий муқаррама ва Мадинаий мунаввара.**  
100000 минг нусха, баҳоси келишилган нархда.

Ислон офтоби ҳар бир мўъмин мусулмонни ҳаж зиёратини адо этишга чорлаб туради. Бундай фарзни бажариш ҳар биримизга насиб этсин. Узбек шоири Жамол Камол шундай бахтга муяссар бўлиб, мазкур рисолини битибдилар. Ушбу битилган китобча сизни хаёлан муқаддас ерларга бошласа, ажиб туйғулар уйғотса, ўзимизни гоёат бахтиёр санар эдик.

**АБУ ЛАЙС АС САМАРҚАНДИЙ. Бўстон ул-орифин.**


100000 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг етуқ устозларидан бири, ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Ахрор валийга замондош ва маслакдош бўлган Фазуллоҳ Абу Лайсининг боболари — Абу Лайс Носир Муҳаммад ас Самарқандий шарқнинг улкан фақиҳ-қонуншунос олимидир. Ул жанобнинг қаламларига мансуб ўнлаб китоблар ҳали «кун кўзини» кўргани йўқ. Наинки оталаримиз, ҳатто ўзимиз ҳам бу китоблардан жо бўлган ахлоқ ва одобга оид фикр дурдоналаридан бебаҳрамыз. Китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган ушбу рисола қутлуғ ишнинг дебocasидир.

**АБУ АЛИ ИБН СИНО. «Зийнат»**

100000 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

Шарқнинг улкан аллома ва табиби Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобидан олинган ушбу «Зийнат» фани ҳам йигитларимиз, ҳам хушрўй қизларимизга доим асқотадиган китоб бўлиши албатта сир эмас. Ушбу рисолада Расулиллоҳ саллолуҳу алайҳи вассаллам айтганларидек «Инсоннинг кўнгли, ҳам жамоли гўзал» бўлиши учун зарур, кундалик маслаҳатлар берилган.



Юқорида номлари қайд қилинган китобларни харид қилиш истагида бўлган савдо ташкилотлари ва китобхон дўстлар мазкур масала бўйича қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишлари мумкин. Тошкент, «Правда» газетаси кўчаси 41.

Телефонлар: 337764, 325809



## КОРХОНА, МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАР, КИЧИК КОРХОНА, ШИРКАТЛАР ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!


«Ишонч» ҳафталик газетасида ўз эълонлари ёки тижоратларини чоп этмоқчи бўлганлар ҳар кун соат 15 дан 18 гача «Правда Востока» кўча 24-уй, 5 қават, 41-хонада жойлашган «Ишонч» газетаси тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Корхона ва муассаса, ташкилот ва ширкатлар вакилларини кафолатли хатлар билан, шахсий эълон берувчиларни эса папортлари билан келишларини сўраймиз.

Улар диққатига тижорат ва эълонлар [бир квадрат сантиметр жой учун]

Ички бетларда	— 13 сўм 50 тийин;
Сўнгги саҳифада босилса	— 15 сўм 00 тийин;
Шахсий эълонлар нархи	— 10 сўм 50 тийин;
Таъзияномалар учун эса	— 15 сўм 00 тийин тўланади.

«Ишонч» газетаси тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик бўлими.



Шер деди:— Ҳозир айни вақтидир. Тезроқ айт, чунки кечиктириб бўлмайдиган бошқа муҳим ишларим бор.

Димна деди:— Ҳукмдорнинг кўнглига ёқмайдиган сўзлар демоққа ва насиҳат қилмоққа ҳар ким ҳам журъат эта бермайди. Лекин ҳукмдорнинг ақли расо бўлса, айниқса, агар айтилган сўзлар унинг фойдасига хизмат қилса ва айтувчининг ўз бурчини бажариб яхшилик қилишдан бошқа ҳеч қандай мақсади бўлмаса, у бу сўзни айтмоғи ва ҳукмдор эса унга қулоқ осмоғи лозим. Агар сўз айрилиб бўлгандан кейин сўзловчининг жони саломат қолса, бу унинг учун энг юксак мукофот бўлади. Бу сўзларни шунинг учун ҳам айтса бўладики, подшоҳнинг ақли расо, у камолотда бошқалардан ниҳоятда устундир. Бунга кўра у айтиладиган сўзларни шоҳларга хос бўлган вазминлик билан эшита олади. Менинг айтадиган сўзларим муҳаббат ва садоқат меваси бўлиб, уларда ёлғон ва риёкорлик йўқлиги ойдиндир. Бутун ваҳший ҳайвонларнинг тирикчилиги сизнинг ҳаётингизга боғлиқ эканлиги маълумдир. Ақлли ва олижаноб одамлар айтилиши лозим бўлган гапларни шоҳга айтмасалар, касалликларини табибдан яширсалар, хавф-хатар яқинлашаётганидан дўстларни огоҳ қилмасалар, ўзларига хиёнат этган бўладилар.

Шер деди:— Сенинг самимий ва садоқатли эканлигинг менга маълум. Қилаётган ишларинг бундан далолат беради. Агар янги бирор нарса сезган, билган бўлсанг, айт, самимиятиң ва садоқатингни яна бир мартаба кўрсат.

Димна деди:— Шатраба, аркони давлат ва лашкар бошилар билан яширинча кенгашиб, дебдики: «Шерни синадим, куч ва қувватининг даражасини, фаҳм ва фаросатининг савиясини ўргандим. Уларнинг ҳар бирида катта бир нуқсон кўрдим».

Шундан мен унинг кўрнамак ва хиёнатчи эканлигини пайқадим. Сиз эса, шоҳим, бу нонкўр ва виждонсизга ҳаддан ортиқ марҳамат кўрсатдингиз, ҳурмат ва нуфузда уни ўзингиз билан баробар даражага кўтардингиз. Жиддий масалаларни ҳал этиб ҳукм чиқаришда унга шунчалик катта ҳуқуқ бердингизки, энди фитна деви унинг дилига тухум қўйди ва шоҳлик ҳаваси уни васвасага сола бошлади. Донишмандлар айтибдурларки, агар подшоҳ, ўз мулозимларидан бирортасининг шаън-шавкат, мол-дунё ва нуфузда ўзига баробар бўлиб қолганлигини сезса шу ондаёқ уни йўқотиши керак, йўқса, ўзи ҳалок бўлади. Бу ишда қандай йўл тутиш лозимлигини шоҳнинг ўзи ҳаммадан яхши билади. Лекин менинг фикримча, ҳўкизнинг масаласини кечиктириб, фурсатни қўлдан бериб бўлмайди. Чунки иш шу даражага етиши мумкинки, у вақт ҳеч қандай тадбир фойда бермай қолади. Донишмандлар, инсон икки нав: ҳушёр ва тадбирсиз бўлади, дейдилар. Ҳушёр одамлар ҳам икки хил бўладилар: улар бири хавф юз беришидан илғари унинг олдини оладилар, иккинчиси ҳодиса содир бўлгандан кейин ўзларини йўқотиб қўймай, дарҳол чорасини кўриб, балони даф қиладилар.

Ақлли одамлар ҳамиша ҳушёр бўладилар, ҳодисалар жоловини ўз қўлларида сақлаб, хавфли гирдобга тушмасдан соҳилга етиб оладилар...

Тадбирсиз одамларга келса, улар иккиланадиган, жасоратсиз, тез-тез фикрларидан қайтадиган бўладилар, бир ҳодиса рўй берганида улар ўзларини йўқотиб қўядилар. Ўз бахтларини сақлаб қолиш қобилиятидан маҳрум бўлганликларидан оҳ-воҳ қила-қила, ўзларини ҳар ёққа урадилар. Уч балиқ ҳикоясидаги кун уларнинг бошига келади.

Шер сўради:— Қандай бўлган эди?

Ҳикоят. Димна деди:— Нақл қилибдурларки, йўлдан узок, ўткинчилардан ҳоли бир ерда кўл бор эди. Унда уч балиқ яшар эди. Булардан иккиси тадбирчан ва эҳтиёткор, бири эса хом ва тажрибасиз эди. Кунларнинг бирида тасодифан икки овчи кўл ёнидан ўтиб қолди, кўзлари учта балиққа тушди. Улар эртага келиб умчала балиқни тутишга ваъдалашиб жўнаб кетдилар. Балиқлар уларнинг сўзини эшитган эдилар. Уларнинг бири тадбирли бўлиб, золим замонанинг зулми ва ғаддор фалакнинг вафосизлигини кўрган, ақл ва тажриба орттирган эди. У дарҳол эҳтиёт чорасини кўриб, сув келар тарафдан чиқиб, бошқа кўлга бориб олди. Кўп вақт ўтмай балиқчилар келиб, сувнинг кирар ва чиқар томонини маҳкам бекитдилар.

Биринчи балиққа нисбатан тажрибасизроқ, лекин ақл ва фаросатдан маҳрум бўлмаган иккинчи балиқ вазиятни кўриб шундай деди:— Фурсатни қўлдан бердим, ғофиллар ишининг охири шундай бўлади. Энди тадбир ва ҳийлани ишга солиш пайти келди. Типирчилаб у ёқ-бу ёққа қочган билан фойда йўқ. Умидсизликка тушмай нажот йўлини ахтармоқ керак.

Шуни деб балиқ сув юзига қалқиб чиқди ва ўзини ўлганга солиб ётди. Бир балиқчи уни олиб, ўлган гумон қилди ва сув чиқиб кетадиган ариқ бўйига ташлади. Балиқ судрала-судрала оқар сувга тушиб олди,

ҳийла ишлатиб ўз жонини қутқарди.

Хом ва тадбирсиз балиқ эса ўзини йўқотиб, у ёқдан-бу ёққа қочиб юрар, гоҳо сув остига шўнғир, гоҳо юзага чиқар эди, оқибат балиқчилар тўрига илинди.

Шер айтди:— Масала равшандир, лекин Шатраба мендан шунча марҳамат кўргандан кейин хиёнат қилиш фикрига тушади, деб ўйламайман. Ахир шу вақтга қадар унга яхшиликдан ўзга нарса қилинмаган эди-ку!

Димна деди:— Шундайдир, подшоҳнинг қилган катта яхшиликлари уни шу фикрга олиб келди... Шармсиз одамлар орзу этган вазифаларига етишгунча самимий ва садоқатли бўладилар, бу вазифага эришишлари билан ўзлари лойиқ бўлмаган яна юксак мартабани эгаллаш хаёлига тушадилар ва бу йўлда ҳийла ҳамда хиёнат кўчасига кирадилар. Разил одамлар кўрққанларидан хизмат қиладилар ва ўз муҳаббатларини изҳор этадилар.

Шер деди:— Менинг фикримча, Шатрабанинг кўнгли ойнаси чангдан холи ва кўнгли бу хаёлдан покизадир! Мен ҳамиша унга иноятлар қилар эдим, наҳот ёмонликини ўйласа!

Димна деди:— Подшоҳга маълумдирки, фикри бузуқ одам ҳеч қачон ростгўй бўлмайди. Йўлдан озганни жазо ва мукофот билан ҳамма вақт ҳам тўғри йўлга солиб бўлавермайди. Қулоқларига тошбақа билан чаён қиссаи чалинмаган эдимми?

Шер деди:— Қани, сўйлаб бер.

Ҳикоят. Димна деди:— Бир тошбақа билан бир чаён дўст эдилар. Улар бир кун сафарга отландилар. Ногоҳ йўлда бир анҳорга дуч келдилар. Чаён ўта олмаслигини сезиб, ҳайрон бўлиб тўхтади.

Тошбақа деди:— Эй азиз дўстим, сенга нима бўлди, ғамгин бўлиб турибсан?

Чаён деди:— Биродар, мен бу сувдан қандай ўтман деб ҳайронман.

Тошбақа деди:— Ғам ема, орқамга миндириб, сени сувдан бехатар ўтказиб қўяман.



## КАЛЫЛА ВА ДИМНА

Тошбақа чаённи орқасига миндириб сувга тушди, сузиб бораётганида унинг қулоғига бир нарсанинг тикирлагани эшитилди ва чаённинг ҳаракатидан шубҳаланиб сўради:— Эшитаётганим қандай овоз, сен нима қиляпсан?

Чаён жавоб берди:— Нишимнинг найзасини сенинг қалқонингга уриб синаб кўрмоқдаман.

Тошбақа деди:— Эй бемурувват, мен ўзимни гирдобга ташлаб, сени сувдан бехатар ўтказмоқчи бўлсаму сен орқамга ниш урсанг. Биласанки, найзанг менинг қалқонимга зарар етказолмайди.

Чаён деди:— Менинг табиатим, хоҳ дўст орқасига бўлсин, хоҳ душман сийнасига бўлсин, ниш урмоқни тақозо этадур.

— Донишмандлар зоти ёмонни тарбияласанг, обрўйингдан маҳрум бўласан, деб бекорга айтмаганлар.

Шуни деб тошбақа сувга шўнғиди, чаён эса сувга тушиб ҳалок бўлди.

Бу масалани шунинг учун келтирдимки, Шатрабанинг зоти ёмон, ўзи нопок.

Шундай қилиб, Димна ҳийла анғиз сўзлар билан ўз мақсадига эришди, сувни лойқалантириб, шернинг ғазабини кўзгата олди.— Айтибдурларки, подшоҳ ўз мулозимларига ҳаддан ортиқ марҳамат ва лутф-карам кўрсатмаслиги керак, токи улар бошқа каттароқ нарса умидида душман тарафига ўтиб кетмасинлар; шундай қилиш керакки, улар хавф ва эҳтиёж, кўрқув ва умид орасида яшасинлар: на умидсизликка тушсинлар ва на қутуриб кетсинлар... Эгри одамдан тўғрилиқ келмаслигини подшоҳ билмоғи керак. Йўлдан озган одамни жазо бериш билан тўғри йўлга қайтариш ҳар гал мумкин бўлаверадиган иш эмас. Итнинг қайрилма думини қанчалик маҳкам боғлаб қўйманг, у тўғри бўлмайди, боғни ечган замоноқ аввалги ҳолига қайтади. Кимки аччиқ бўлса ҳам ўз дўстлари насиҳатига қулоқ солмас экан, ишининг оқибати пушаймонлик бўлади. Бу — ҳаким буюрган дориларни ишлатмай, парҳез қилмай, ўзининг кўнгли тилаган таомларни еган, истаган ичимликларни ичган беморнинг ҳар дақиқа дарди оғирлашиб кетгани кабидир... Шоҳнинг мулозимлари уларга қилинган яхшиликлар эвазига ўз билганларини шоҳларга айтиб туришга мажбурдирлар. Шоҳлар ҳам буни талаб қилишга ҳақлари бор. Шоҳдан ҳеч бир нарсани яширмаганлар мулозимларнинг энг содиқларидир. Охири хайрли бўлган иш энг яхши саналади. Энг яхши одамларнинг мақтови энг олий мукофотдир. Эҳтиёж сезилмаганда ҳам ҳар бир ишда яқиндан ёрдам берувчи дўст — дўстларнинг энг яхшисидир. Мулойимлик ва софдиллик энг яхши хислатлардандир. Очкўз ва хасис бўлмаган — одамларнинг энг бадавлатидир. Давлатдан мағрурланмаган, камбағалликдан руҳий тушкунликка тушмаган — инсонларнинг энг комилидир...

Тўшаги тикандан, ёстиғи илондан бўлган одамнинг уйқуси ширин бўла олмайди. Инсон идрокининг расолиги, ақли комилигининг аломати шуки, дўстлардан бири душманлик қилса ва ё мулозимлардан бири ғурурланиб кетса, бунга қарши дарҳол чора кўради, фурсат топиб, зиён етказмасдан бурун уни бир ёқлик қилади. Чунки душманга муҳлат берилса, унинг қудрати ортади, вақт берилса, куч йиғади...

Ишнинг аввалию охирини тушунмаган, катта ҳодисалар юз берганда яхши тадбир кўра олмаган, фурсат қўлдан кетгандан ва душман ғолиб келгандан кейин ўз яқинларини койиб ҳар бирига бир жазо берган шоҳ подшоҳларнинг энг ожизидир... Мамлакатни идора этиш шартларидан бири ҳамлага тайёрланган душманни дарҳол бартараф этишдир.

Шер деди:— Сенинг сўзларинг жуда даҳшатли ва қаҳру ғазаб билан суғорилган. Лекин хайрихоҳ одамнинг сўзларига қулоқ осмаслик тўғри эмас. Шатраба душманлик фикрига тушса, унинг етказа оладиган зарарлари мени кўрқитолмайди. Чунки у менинг таомимдир. Унинг емиши ўт-алаф, меники эса гўштдир. Бунинг устига, у билан менинг орамизда саломалик, ишонч, ҳурмат бор. Дебдурларки, ақлли одамлар ишончга хиёнат этмайдилар. Энди мен нимага асосланиб Шатрабага хиёнат қила оламан? Мажлисларда такрор-такрор уни мақтаб, ундан рози эканлигимни, унинг ақли ва фаросатидан мамнулигимни, унга содиқлигимни ҳамиша айтиб келганман. Энди бу айтганларимнинг аксини қилсам, мен сўзимнинг устидан чиқмайдиган ва тез-тез фикридан қайтадиган одамдек бўлиб қоламан. Бундан кейин ҳеч ким мен берган ваъдаларга юракдан ишонмай қўяди.

Димна деди:— «Шатраба менинг таомимдир», деб шоҳ алданиб қолмасинлар. Шатраба ўзи бир нарса қила олмаса ҳам атрофига дўстларини тўплаб, ҳийла ва риёкорлик билан мақсадига етиши мумкин. Бутун йиртқич ҳайвонлар унинг тарафига ўтиб кетадилар, деб кўрқаман. Чунки Шатраба уларнинг қалбида сенга адоват, ўзига рағбат ҳиссини уйғотган. Буларнинг устига, агар Шатраба бошқаларни сенга гиж-гижлатолмаган тақдирда ҳам унинг ҳижрони висолидан яхшироқдир.

Шер Димнадан сўради:— Ҳўш, энди нима қилай?

Димна деди:— Чирган тишни суғуриб ташламагунча оғриғи қолмайди... Ҳазм бўлмаган таомни қайт қилиб ташламагунча, кўнгли беҳузурлиги босилмайди. Яхшиликни билмаган, дўстлик ўрнига душманлик хаёлига тушган ярамас рақибни ҳалок қилмагунча, унинг дастидан қутулиб бўлмайди.

Шер деди:— Сенинг сўзларингдан кейин Шатрабанинг дийдорини кўришни ҳам истайман. Бирортани юборай, бориб унга қаерга ҳоҳласа кетавериши мумкинлигини айтиб келсин, асло кўзимга кўринмасин.

Димна, бу сўзлар Шатраба қулоғига етиб борса, у дарҳол ўзини оқлаш учун далиллар келтиришини, Димнанинг ёлғон гапириб, ҳийла ишлатганини фош этишини яхши билар эди. Шунинг учун тезда Шерга деди:— Эҳтиёткорлик жасурликнинг фазилатидир. Бундай қилишга маслаҳат бермайман, чунки айтилмаган сўзларни ҳар қачон ҳам айтса бўлаверади, лекин айтилган сўз эркин ҳаракат этмоққа халал етказиши мумкин.

Айтилган сўз — отилган ўк, уни қайтариб бўлмайди... Мабодо Шатраба бу хабарни эшитса, ўзининг фош этилишини билиб қўшин тўплаши, шайланган ҳолда урушгани келиши мумкин.



Ақл ва тажриба эгалари ошқора гуноҳ учун яширин жазо ва аксинча, яширин гуноҳ учун ошқора жазо беришни маслаҳат кўрмайдилар.


Шер деди:— Ҳеч қандай далил бўлмасдан, фақат гумонга асосланиб яқинларни узоқлаштириш, уларни ҳалок этишга интилиш — ўз илдирига ўзи болта уриш демакдир. Подшоҳлар бутун ишларда, хусусан, мукофот ва жазо беришда атрофлича мулоҳаза юритмоқлари даркор.

Димна деди:— Шоҳнинг айтганлари тўғри. Лекин бу ҳийлагар келгунча фурсатни қўлдан бермай, яхши ҳозирлик кўрмоқ керак. Шатрабага диққат билан қаралса, унинг қандай фикрда эканлигини жирканч башарасидан ҳам билса бўлади. Чунки дўст билан душман орасидаги фарқ, уларнинг қарашлари, юриш-туришларида кўзга ташланиб туради. Хиёнат йўлига кирган бўлса, унинг ташқи белгилари қуйидагича бўлади: кайфияти бузилади, кўзи олазарак бўлади, ўнг ва сўлга аланглайверади, шоҳни сузиб олишга тайёрланиб тургандай бўлади.

Шер деди:— Бу бошқа масала. Агар ҳақиқатан ҳам мен бу белгилардан бирортасини унда кўрсам, ўша замоноқ шубҳаларим тасдиқланади.

Димна Шернинг бу сўзларини эшитгач, ўз ҳийласи таъсир этганини англади ва ҳўкизни ҳам йўлдан уриш учун унинг ёнига жўнашликка қарор қилди. Лекин шерда шубҳа уйғотмаслик учун аввал ундан ижозат олишни лозим кўрди.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор).



# Ҳикоя

**ДАСТУРХОН** атрофида икки ўртоқ суҳбат қуриб, «ол-ол» деб ўтирдик. Бирдан тилимга шу савол келиб қолса бўладими?

— Севги бораканми, Дилор, синаб кўрдингми? Дилоромнинг чиройли юзи бирдан ўзгарди.

— Илтимос, сўрама шунақа нарсани! — деди, қошлари аламли чимрилиб кетди. Пиёлани ўртага суриб ўрнидан турди-да, дераза ёнига бориб ҳовлини томоша қилган бўлди.

Аттанг, озиб-ёзиб бир уйимга келган меҳмонни хафа қилиб қўйдим-а. Ҳаҳ, тилим қурсин-а.

Орқасидан бориб, келишган, ёқимтой елкасидан қучдим.

— Кечирасан, ўртоқ! Ешлигимизда ўзинг нуқул шу ҳақда баҳслашардинг.

— Энди баҳслашмаймиз! — у менга алам билан тикилиб, яна чирт ўгирилиб олди. Қарасам иш чатоқ, шу топда бир оғиз сўз ортиқча.

— Магнитофон қўйиб берайми, Юлдузининг қўшиқларини ёзиб олганман, — дедим-да, бурчакдаги магнитофон тугмачасини шақ-шүк босиб, керакли қўшиқни топдим.

Баланд шохда қизил олма пишган экан...

Дилором хурсанд бўлсин, деб жўр бўлиб қўшиқ айта бошладим. Ниҳоят, Дилором бироз эриди — қўлларини қовуштирганча бир-бир босиб келиб, диванга ўтирди. Қора қошлари ўртасидаги тугунча ёзилиб, қўшиқ оҳанги-

— Э, кўрқма! Нима, обрўйинг тушиб қоладими? — қўлини силтаб ташладим.

— Жим, жим деяпман! — қичқирди у.

— Бунча! — кулиб юбордим мен. — Эшик берк, дарвоза қулф-ку. Қамол бўлса бир чақирим нарида поччасининг участкасида гишт қуяпти, ҳозир, майкочанг бўлволиб.

Дилоромнинг йирик-йирик кўзлари порлаб кетди. У бир нуқтага тикилиб қолган, шу туришида ўша елкали, баланд бўйли Камолни кўриб тургандек эди. Барибир, у яна бир зумда муғомбирлик қилиб, баланд келди.

— Гапларинг ёлғон! Мен уни... яхши кўрмийман, билдингми, яхши кўрмийман! — у кўзларини яшириш учунми, чўзилиб жавондан китоб олди-да, варақлай бошлади.

— Ҳо-о, барибир ҳамма сирингдан огоҳман. Иқроор бўб қўяқол! — қўлидан китобни олиб қўйдим.

— Қанақа сир? — кўзимга тикилди у.

— Айтайми, хафа бўлмайсанми?

— Айт, айт!

— Биринчидан Камол сени севади, аммо мағрурлигиндан ҳайиқади. Иккинчидан у бечора сени «севмайди» деб юради. Ваҳоланки, сен уни жонингдан ҳам яхши кўрасан.

— Жим, ёлғончи! — Дилоромнинг кўзлари чақнади.

— Рост! — Хувв анув кунни адабиётдан иншога тайёрланаётганимизда сизларникида тунаб қолдим-а!

— Бўлмаса кўп гердаймай бир парда пастга туш!

— Тушмийман, билдингми, тушмийман! — у кароватга ўзини ташлади. Кейин ёнбошлаб менга қаради. Кўзларида ўт чақнади. — Камол барибир мени севади, демак ахир бир кун ўзи ялинади. Йўлларимга поёндоз бўлади. Ҳимм! — У дарров туриб ўтирди-да, кўксига уриб-уриб қўйди. — Севгилим менга жонини фидо қилишини истайман, вассалом!

— Чучварани хом санабсан.

— Мана кўрасан!

Биз имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, институтга ҳам кириб олдик. Камол эса сўнгги имтиҳондан йиқилиб, Янгийўлга қайтиб кетди. Колхоз қурилиш бригадасига ишга кирди. Келгуси йил баҳорда Камолнинг аскарликка чақирилганини эшитдим.

Бир кун Дилоромни кутубхонада кўриб, суюлиб кетдим. Енига бориб, кучиб-ўпишга, тилимни тийламадим.

— Эй, ноинсоф, Камолга хат ёз! — дедим, — у армияда. Жуда бўлмаса синфдош сифатида ҳол-аҳвол сўра!

— Тушингни сувга айт! — деди Дилором елкадан қўлини олиб, — ўзи биринчи ёзсин, керак бўлсам... Менга ҳам осон тутма, унинг лаблари хиёл титраб кетди. — Ҳай, майли, ахир бир кунни ўзи барибир бош уриб келади.

У ишонч билан сўзлар, яна ҳам ўзгариб кетган, гаплари виқорли, кийинишлари зўр, чехраси гул-гул яшнаб турарди...

— Ахир ўзи биринчи ёзганда сен писанд қилмагансан. Яна бунинг устига сен кимсан? Олий маълумот олаётган Дилором парисан.

— Э, қўйсанг-чи, Азиза, — у силтанди, — мен фақат севгига ишонаман. Камол барибир менсиз яшолмайди. Кўрай-чи, қачонгача чидаб юраркин? Тунов кунни бўлса... байрам билан табриклаб откритка юборибди. Бошқа гап йўқ... Баттар ўртансин, деб жавоб ёзмадим! Қадримни билсин!

— Қўй-е, Дилором, иккинчи даллоллик қилмаганим бўлсин!

Учинчи курсни битиргач, ёзги каникулда Дилором, «Юр, Москвага, учувчи тоғамниқига бориб ўйнаб келамиз» деб телефон қилди. Мен боролмаслигимни айтдим, ўзи кетди.

Мен эсам қишлоққа келиб, Камолнинг ҳарбий хизматдан қайтгани, синфдошимиз Мўтабарга, қорачадан келган озгин, кўримсизгина Мўтабарга уйланаётганини эшитдим.

Мўтабар мактабда зўрға уч баҳолар билан ўқиган. Камгап, қорачагина қиз эди. Уни Камолдек йигит олади, деб ҳеч ким тасаввур ҳам қилиб қўрмагани. Мўтабар уч йилдан бери қишлоғимиздаги сабзавот дўконига ишлар, қишин-ёзин унинг на дам олганини, на дўкондан чиқганини ҳеч ким кўрган эмасди. Мана энди қизлардан эшитсам, Мўтабар Камолга икки йилдан бери хат ёзиб, ҳатто пул-мул ҳам жўнатиб турган экан. Мўтабар Камолни «яхши гапи билан ўзига қаратиб олганмиш».

Ҳаётнинг ишлари жуда қизиг-а, ҳатто шу пайтгача мен ҳам «ахир бир кун Камол билан Дилором топишиб кетади», деган ишончда эдим. Лекин афсус бундай бўлмади...

Мен Дилоромга қарадим. Унинг қоқ-қора кўзлари дардчил, изтиробли. Маъюслик ёйилган юзидан болалик хотиралари уни қийнаётгани сезилиб турибди, У юзига оғир тикилиб, таниш шоирнинг шеърини ўқий бошлади.

**Мен ўшаман,**

**Юрагингни ёндирган олов.**

**Мен ўшаман висол дея терганинг лола**

**Мен ўшаман, ҳижрон азоб бериб беаёв**

**Қийнаганда сен чеккан оқ**

**Сен чеккан нола.**

**Мен ўшаман,**

**Елборишинг хуш кўрган қайсар,**

**Гурурига сажда қилган сен севган юлдуз**

**Мен ўшаман**

**Узга билан кўргунга қадар**

**Мухаббатни тан олманга ўта мағрур қиз**

**Мен ўшаман.**

Санъат МАҲМУДОВА.

## БАЛАНД ШОХДА ҚИЗИЛ ОЛМА

га мос билинар-билимас тебрана бошлади. Лекин менга ўхшаб завқ ва гашт билан эмас, ҳасрат билан...

— Яхши айтади-а? — дедим хонада гирр айланиб, кейин курсига ўтирарманман.

— Яхши... — у жилмайишга уринди, лекин нимадир томоғидан хиппа бўғиб турар эди.

«Тавба, жудаям ўзгариб кетибди-я, қандайдир руҳи сўниқ, кўнгли чўккан. Олдин ҳеч бундай эмси-я», ўйлайман ўзимча.

Бундан ўн йил олдин мактабни Дилором билан бирга битирганмиз. У энг аълочи, синф бошлиғи эди. Ҳаммамиздан ақлли, чиройли, айни пайтда ўзининг ана шу хусусияларини билганиданми, ўта мағрур эди. Унга ҳеч ким тенг келолмас, ортиқча гап айтолмас, ҳатто энг шилқим болалар ҳам унинг ёнидан ҳайиққандай ўтишарди. Узи ҳам Дилором синфимиздаги кўп ўғил болалардан бўйчанроқ, фақат Камолга ўхшаган икки-учта йигитлар унга тик келарди. Дилором ўзини худди ўқитувчилардек жиддий, босиқ тутарди.

Сўнгги имтиҳонни топшириб, қушдек энгил бўлган кунимиз Дилором бизникида тунаб қолди. Менинг хонамда икковимиз «эсдалик альбомимизни» безатдик. Бир-биримизнинг альбомимизга бағишлов шеър ёздик. Кейин ким қаерга ўқишга бормоқчи экани ҳақида ширин-ширин орзуларга чўмдик.

— Сен-ку, Америкага борсанг ҳам ўқишга кирволасан, Дилор, — дедим альбомни жавонга қўйиб, — сен генейсан, фақат шу Камол... — Дилоромга атай тикилиб туриб сўзладим.

Дилоромнинг оқ юзига гул этиб қизиллик югурди. Узун киприклари пирпиради. Нафис лаблари титради. Лекин сир бой бергиси келмади.

— Нима, Камол? Менга унинг нима даҳли бор? — елкасини учирди.

— Даҳли бор-да! Камол агар ўқишга киролмаса, сен унинг олдида анаям геней бўп кетасан-да...

— Нима?! — у тушунмагандек ғалати қаради.

— Ҳа, ўзлари Камолни севадилар-ку, ахир.

— Жимми! — шошиб қафти билан оғзимни ёпди. —

Жим, Азиза!

ҳам мен билан бирга бўлди...

Толиб бува «эх, сенлар-ей», дегандек чуқур хўрсинаркан, қўлини қўйнига тикиб, яқтагининг чўнтагидан ҳаменини олади-да, ичидан пул чиқариб олдингизга қўяди.

— Мана буни ол-да, дўкондан ўзингга ярашганини сотиб ол. Дўпписиз ўзбекининг ўзбеклиги колармиш...

## Қўмсан

Хуллас, ҳар гал кишлоққа қайтишимда катта йўл бошидаёқ дўппимни кийиб олам.

— Ҳа, мулла Дилшод, келаяпсанми, болам? — дейди у сўрига яқинлашиб қолганимда ўрнидан ярим кўзғолиб. — Танн жонинг соғми? Ўқишларинг яхшими, болам. Ҳа, баракалла, баракалла. Қани, қани, ўтирчи бирпас.

— Хўш, Тошкентда нима гаплар?

Сўри четига омонатгина ўтириб бува узатган чойни оларканман, унинг саволларига жавоб қайтарман. Бува яна саволга кўмиб ташлайди. Анча муддат унинг олдида қолиб кетаман. Суҳбатимиз қайси бир раҳбарнинг ишдан олиншидан бошлаиб, борики дунё хабарларига бориб етади... Ҳайрлашар эканмиз, Толиб бува ҳар галги панд-насихатларини қанда қилмайди:

— Ҳадеб панд ўқийди, деб инжиима тагин. Сен эс-хушли, бўладиган боласан.

Шунинг учун ҳам бу гапларни сенга айтаётганманда, — у косасига ботиб кетган кўзларини юмади, пешонасидаги ажинлари сал таранглашгандай бўлади. — Буваинг раҳматли билан жуда калдрон эдик. Қисматимиз ҳам ўхшаш, мен ҳам, у ҳам ота-онадан ёш етим қолганмиз. Қишлоғимизда Маматбой деган киши бўлгучи эди. Икки-

миз ҳам унинг қўлида мардикор эдик. У вақтларда хат-савод ўрганиш фақат бойларнинг болаларига nasib этарди...

Толиб буванинг юзи аламли буришадн: — Кейин буванг билан бирга янги тузилган колхозга кирдик, — у бир зум сукутга толади. Нимадир ёдига тушади шекилли, мийнида қулмисраб, гапида давом этади. — Буванг раҳматли келбатли, полвонсифат киши эди. Сайларда, тўйларда номдор полвонлар билан беллашарди. Бир галгиси ёдимда қолган. Ушанда янги канал қазниш ишлари ниҳоясига етган эди. Катта халқ сайили бўлди. Уша ерда буванг Азим полвон деган донғи кетган бир одам билан курашга тушиб энгилди. Кураги ерга теккач, даврадан яқтагининг барини қоқиб чиқиб кетганича ўн кун кишлоқда кўринмади. Ўн биринчи кун деганда кишлоққа от миниб қайтди. Белида гулдор кийли пичок. Сайлда одамлар бу пичокни Азим полвоннинг белида кўришган эди. Ҳамма хайрон... Кейин билсак Азим полвон, «ким-

ки менинг курагимни ерга теккиса, отим билан пичогимни бераман», деб айтган экан. Буванг қўшни районда бўлган катта бир йнғинда у билан майдонга тушиб, орани очик кипти... Ҳа, бўтам, буванг мава шунақа номусли, орияти кучли одам эди. Сени кўрганмида раҳматли ёдимга тушади. Куйиб қўйгандек унинг ўзисан. Унинг билаклари кучли, бирок саводи йўқ эди. Сенда ҳар иккаласи ҳам бор, болам... Майли борақол, энди, уйдагиларни соғинган кўринасан...

...Бирок бир гал кишлоққа қайтишимда ўша кўк дарвоза олдидаги чинор остига ўрнатилган сўрида отахонини учратмадим. Дарвоза олдида чопон кийиб, хасса ушлаган кишилар бошлари эгик ўтиришар, ичканридан эса аёлларнинг юракин ўртовчи лод-фарёди эшитиларди.

Орадан бир неча йил ўтди. Бирок ҳар гал кишлоққа қайганимда мен учун таниш бўлган, ёшлик йилларим хотирларининг гувоҳи ўша сўри олдида бир зум тўхтаб қоламан. Кўз ўнгимда буванинг нуруний чехраси гавдаланади, юрагимни оғир бир дард эзгандек бўлади. Унинг сўзларини, бир умрга қулоқларим остида муҳрланиб қолган товушини, панд-насихатларини кўмсайман. Айниқса буванинг бир сўзи хотирамдан ҳеч кўтарилмайди: «Мана буни ол-да, дўкондан ўзингга ярашганини сотиб ол. Дўпписиз ўзбекининг ўзбеклиги колармиди, бўтам!».

Райҳонали САФАРОВ.



ИЛГАРИ, ҳатто ҳозир ҳам ниқоҳ тўйларида келин-куёвлар гулхан атрофида 3 марта айланишади. Бу билан шайтон шашти қайтарилади. 3 марта чойни қайтаришади. 3 марта қўл ювилади. 3 марта беморга дам солиш. 3 кунлик ўтқазил, 3 марта тақбир туширишларда ҳам сир бордир. Фан ва дин оламида 7 рақамига кўп дуч келамиз. Еру осмон 7 қават, 7 қароқчи юлдузлар, ҳафта 7 кун, садақага 7 танга...

Қадим замонда Бухоро хукмдори Бидун Бухорохудот қурган иморатлар ўз-ўзидан бузилиб кетаверган. Уламолар билан маслаҳатлашиб 7 тош устун устига қурдирганда асло бузилмай ҳозиргача сақланиб қолган. VII асрда қурилган бу бинода хукмронлик қилганларнинг ҳаммаси зафарга эришганлар.

Тарихий манбаларда зикр қилинган, Тошкент 7 ўрқач устида жойлашган. Истамбул ва Рим шаҳарлари ҳам 7 та тепалик устида қурилган.

Ўрта Осиёда кишини 7 га бўлишади. Наврўз байрамида деҳқонлар ерга 7 дона бугдой экиб, куз қандай келишини аниқлашган.

Қадимда қизлар сочларини 7 та қилиб ўришган, тўё соч тоқ ўрилса, жуфт бўлиб ўсармин.

Демак, тўйларга гулларни тоқ олиб бориш асли Оврупода эмас, Шарқдан одат бўлган. Қадимдан Ўрта Осиёда 7 авлодни билиш шарт бўлган. Бу қозоқ, қирғизларда сақлангану, бизда инқилоб туфайли унутилиб юборилди. 7 хазина, 7 мўъжиза деган гапларни кўп эшитганмиз. Чақалоқ 7 кунлик бўлганда қулоғига азон айттириб исм қўйишган.

Шарқда Наврўзда 7 хил кўкатлардан таомлар тайёрлашган. «Гўрўғли» дostonида ҳам 7 рақами тез-тез учраб туради. «Етимнинг ҳақи 7 дунёни қуригар», «7 ўлчаб бир кес» каби халқ мақоллари бежиз тўқилмаган.

ХАЛҚИМИЗДА «7 оғайни ботирлар», А. С. Пушкиннинг «Ўлик малика ва 7 баҳодир» эртаги ҳам рус фольклори асосида яратилган. Инсонни боқадиган ва бой қиладиган 7 хазина борлиги ҳақида кўп гапирилади. Маңа ўша хазиналар:

1. Сигир — рўзгорнинг боши.
2. Асалари — оиланинг табиби.
3. Ипак қурти — қизларнинг сепи.
4. Обжувоз — қозоннинг ёғи.
5. Тегирмон — қориннинг белбоғи.
6. Ўрмон — иморатнинг «суяги», қозон олови.
7. Товуқ — ҳам оби ёврон, ҳам амалда синалгандир.

Советлар даврида энг яхши урф-одатларимиз топталди, йўқ қилинди. Удумларимиз тазийқ остига олинди, аммо халқимиз барибир боболаримиз расм-русмларига яширин бўлса ҳам риоя қилиб келишди. Ахир рақамларнинг инсоният руҳиятига ижобий таъсири кучлилигини бемор учун 7 танга атаб қўйилгандан кейинги тузалиши ёки девонаи Баҳовиддинга 7 танга аталиб берилгандан кейинги руҳий ўзгаришларини қандай изохлаш мумкин?

Дунёда сирлар кўп, балки Шарқшунослик илмий-тадқиқот илмийгоҳи жавонларидаги муқаддас китоблар тилга кириб, келажакда бу сирлардан бизни огоҳ этар.

Тўпловчи: Турсин АЗЛАРХОН ўғли.

## СИРЛИ РАҚАМЛАР

Рақамлар ҳақида гап кетганда 9 ни ҳам унутмайлик. Халқимизда «икки ўттиз бир тўққиз» деган гап бор. Нега бинолар 10 қаватли қилиб эмас, албатта 9 қаватли қилиб қурилади? Бунда ҳам бир сир бор.

40 рақамига ҳам халқимиз эътибор берган: 40 жўра, 40 қонил қабилар бор. Киши 40 га кирганда иккинчи йигитлик бошланар эмиш. Бу кучга тўлиш

## ҚАСОСКОР ТАМАКИ

● Христофор Колумб Европага тамакини олиб келгандан сўнг уни узоқ вақтгача чекиш қонун йўли билан тақиқлаб қўйилган. Швейцарияда чекувчиларни махсус «иснод устунига» боғлаб қўйишган. Англияда эса бу «гуноҳ иш» билан шуғулланганларни шаҳарлардан қувиб ҳайдашган.

● Агар бир дона сигарет чекиш пайтида ажралган кимёвий энергияни механик қувватга айлантирилса, унинг кучи чекувчини 9 метр юқорига кўтаришгача етади.

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги маълумотларига қараганда, ер юзиде ҳар йили чекиш туфайли содир бўлган касалликдан икки ярим миллион киши бевақт ҳаётдан кўз юмади.

● Америкалик олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, чекиш учун кетган вақт туфайли ишлаб-чиқаришда йилига 47,5 миллиард доллар зарар кўрилар экан. Бундан ташқари чекувчилар учун кўрсатиладиган медицина ёрдамига кетадиган сарф-харажатлар 11 миллиард долларни ташкил этаркан.

● Олимларнинг таъкидлашларига кўра, чекиш туфайли ҳаётдан эрта кўз юмганлар сони билан тарихда маълум бўлган барча урушларда ҳалок бўлганлар сони деярли тенг экан.

● Одам бир қўти сигарет чекканда организмга белгиланганидан етти марта кўп радиация нурлари қабул қилар экан.

● Америкалик олим Г. Миллернинг аниқлашига қараганда, чекувчи эркакнинг аёли ўртача ёшдан 4,1 йил кам умр кўради.



## АҚШДА МАЙМУННИНГ ЖИГАРИ ОДАМГА ҚУЧИРИЛДИ

Пицбург университетининг медицина марказида жарроҳ Томас Старцл раҳбарлигида

беморга маймуннинг жигари кўчириб ўтқазилди.

35 яшар беморнинг номи тилга олинмаган. Врачларнинг айтишларига, бемор худди одамнинг жигари кўчириб ўтқазилгандек ўзини жуда яхши ҳис қилмоқда.

КУТИЛМАГАН бу воқеа шифокорларни довдиратиб қўйди. Улар ўтган йил март ойида туғилган чақалоқнинг кўкрак кафасида табиий юрак билан биргаликда қандайдир механизм борлигини сезиб қолишди.

Бу ҳодисани тадқиқ этувчи мутахассисларнинг таъкидлашларича, чақалоқнинг кўкрагига механик юрак қандай келиб қолганлиги ханузгача жумбоқ бўлиб турибди.

— Биз ҳоят таажжубдамиз, — дейди дўхтир Бенито де Мита Римдаги матбуот конференциясида. — Биз ўз кўзларимизга мутлақо ишонмаймиз. Хеч қандай илмий йўл билан

бу ҳодисани шарҳлаб бўлмайди. Файри-табиий кучларга сира эътиқодимиз йўқ. Бас, буни қандай изохлаш мумкин?

Қизалокнинг ота-онаси Эмилианолар эса ўзлари учун аллақачон жавоб топишди. Улар бу ҳодисани ўлимдан кейинги ҳаётнинг яққол далили деб қарашмоқда.

Жужук Агнийа эса соғлом ўсмоқда, иштаҳаси «карнай».

— Илло, биз тақдири казога инонамиз, — дейди онаси синиора Марийа Эмилиано. — Бас, жужук кўкрагида нима биландир дунёга келибдими, демак, яшамоғи лозим...

## ИККИ ЮРАКЛИ ЧАҚАЛОҚ

## «ЯРМИ СЕНГА — ЯРМИ МЕНГА»...



КЛИВ ва КИТ Оуэнлар эгизак туғилишган. Уларнинг феъли ҳаммиша бир хил бўлиб келган. Ҳатто кўзойнаклари билан соатлари ҳам бир хил бўлган. Улар битта стакандан чой ичишган. Чўмилиш учун ҳам ваннахонага бир вақтда кириб келишган. Уларнинг тишлари оғриганида ҳам бир хил тишларидан азоб чекишган. Улар ҳозир 59 ёшга киришди, бир уйда яшашади, тишларини битта чўтка билан тозалашади, соқолларини битта устарада олишади ва... битта аёлни ўз хотинлари деб билишади. Эгизаклар бу аёл билан 33 йилдан бери аҳил ва ширин ҳаёт кечириб келишади.

Эгизаклар билан бу аёл бир кунда ва бир соатда танишишган. Жоржия таъмирлаш идорасига ўз идо-

расидаги деразани тузатишни сўраб мурожаат қилади, деразани тузатишга эгизак Клив билан Кит келишади. Улар дарҳол Жоржияни севиб қолишади. У ҳам ҳар иккаласини севишини айтади. Кўп ўтмасдан — 1959 йилда улар никоҳдан ўтишади. Уша пайтда Жоржия 22 ёшда, эгизаклар эса 26 ёшда эди. Расман келиннинг бармоғига узукни Клив тақиб қўяди.

Кечкурун улар ўринга учаласи ётишади. Қайси бири ўнгда ва қайси бири чагда эканини келин билмайди. Жоржиянинг тан олишича, у кундузи ҳам эгизакларнинг қайси бири Клив, қайси бири Кит эканини ажрата олмайди.

(Матбуот хабарларидан).

## Хандолаб

Бир киши танишига ажабланиб деди:

— Сен ҳар доим соғлигининг пўлатдай мустаҳкам экани билан мақтаниб юрардинг, унақа эмас экан-ку?

Таниши гап нимада эканини тушунолмади сўради:

— Сен бу гапни нимага асосланиб гапиряпсан?

— Кеча дўхтирхонада ҳақим томир уришигизни синчиклаб текшириб кўраётганини ўз кўзим билан кўрдим-да.

— Э, ўлма нодон! Уша ҳақим менинг томир уришимга қараб ўз соатининг тўғри ёки нотўғри юраётганини текшириб кўраётганди!

Турсунбой МАҲМУДОВ.

Афанди сувараклар кўпаяётганидан хуноб бўлиб, сувараклар бошлигини чақириб, деди:

— Сизлар жуда кучлисизлар. Келинг, қўшини хонанинг сувараклари билан уруш-уруш ўйнаймиз.

Бундан сувараклар жуда суюниб, қўшини хонага уруш очгани чиқиб кетишди. Фаланинг гардиши билан Афандининг сувараклари қўшини хонадаги суваракларни енгиб, ярмини ўлдириб, ярмини асир олиб, яна ўз хоналарига қайтиб келишди.

— Худди ердек жим туринлар, — деди офицер солдатларга қарата.

— Ер жим турмайди, у доимо ҳаракатда, — деди сафда турган солдатлардан бири.


— Ким айтди бу гапни? — деди офицер жигибийрони чиқиб.

— Коперник, — яна жавоб берди ўша солдат.

— Рядовой Коперник, сафни тарк этинг! — йиқирди офицер.

Уктам ТОҒАЕВ ва Зебо АҲРОРОВА тайёрлаган.





## ТАБРИКЛАЙМИЗ, ГОЛИБЛАР!

Испаниядаги Барселона шаҳрида 25-ёзги олимпиада мусобақалари кизгин давом этди. Унда Ўзбекистондан 17 нафар спортчи фаол катнашади. Улар Мустақил ҳамдўстликдаги давлатлар терма жамоаси сафида иштирок этдилар.

Спорт гимнастикаси бўйича Тошкентлик жаҳон чемпиони **Оксана Чусовитина** ва Олмаликлик **Розалина**

**Галеевалар** команда ҳисобида олимпиаданинг катта олтин медалини олишга сазовор бўлишди.

Оғир атлетика бўйича Нукуслик жаҳон чемпиони **Сергей Сирцов** кумуш медал билан мукофотланди. Шунингдек, мерган **Анатолий Асрабобоев** иккинчи ўринни эгаллаш билан кумуш медал олишга муяссар бўлди.

**Азим ОЛИМОВ.**

## ХАЛҚАРО ТОИФАДАГИ СПОРТ УСТАЛАРИ

### ИВАН КИРЕЕВ

Куни кеча катта хушхабар олдик. Қасаба жамияти номидан мусобақаларда катнашаётган ва катта ютуқларни қўлга киритаётган юртдошларимиз байдарка ва каноэда эшиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси **Иван Киреев** Крилатский каналида июнь ойида ўтказилган МДХ чемпионатида **А. Тюрин** билан биргаликда 1000 метрга эшакли қайиқда сузиш бўйича олтин медалга сазовор бўлди ва Барселонада ўтказилган олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Айтгандек, **Ваня** амакиси

**Валерий Киреев** раҳбарлигида 1980 йилдан бери спортга катнашиб келади. Дастлабки катта ютуқка 1987 йили эришди. Ўша йили у Италияда тўрт кишилашиб эшиш бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Бир йил ўтгач, у халқаро «Дўстлик» мусобақаларида голиб чиқди. Бундай ютуқлар сони оз эмас.

«Спортда тинимсиз меҳнат қилган ва изланган киши албатта голибликка эришади», — дейди **Иван** ва ўзи шунга амал қилади.

Оқ йўл ва муваффақият сenga **Ваня!**



МОЗИЙ ВА ҲОЗИРГИ КҮН

Ўзбекистонда нима кўп — қишлоқ. Лекин назаримда **Ёрдон** қишлоғи бўлакча. **Сергул турфа** доривор гиёҳлар ястанган майдонларга, ҳар ер-ҳар ердан шилдираб оқаётган зилол сувли ирмоқларга, илон изи тоғ сўкмоқларига қараб туриб кўнглинг антикади. Мана шундай жойларда юриб, шукроналик ҳаққи, қувониб, қулгиси, қуйлагиси, кимгадир яхшилиқ қилгиси, нур тутгиси келади кишининг.

**ФАРҒОНА** район деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари қасаба уюшмасига қарашиб иккита болалар оромгоҳи шу жойда.

Оромгоҳда ҳар йили 750 деҳқону чорвадорнинг боласи дам олади. Оромгоҳ жуда катта майдонни эгаллаган. Кенг-кенг адл йўлкалар, шинам майдончалар, турфа ўйинлар учун ёпик айвонлар...

Шундай оромжон, кўркам даргоҳда ўтган йили 54 ходим ишларди. Бу йил 22 тага тушди. Лекин ҳордик оловчилар қамаймади. Оромгоҳ бошлиғи **Абдулаҳат Аҳмедовнинг** айтишича юртимиз, шундай мураккаб вазиятни бошидан кечириётганлигига қарамай йўлланма нархи анча арзонлаштирилибди, шарт-шароитлар яхшиланибди. Муаззам **Аҳмедова**, **Мавжуда Рўзиева**, **Насиба Қурбонова** сингари тарбиячиларнинг, ошпазу фаррошларнинг масъулияти ҳам ошибди. **Ана**, **Отабек Абдуқаюмов**, **Абдувоҳид Шерматов**, **Ахрор Аҳмедов...** э, улар жуда кўп. **Бари** уч-фасл дала кезиб, меҳнатда чиникқан қадок қўл эгаларининг болалари. Уларнинг юзидаги мамнулик, қувончи кўрган ота-онанинг ҳам ўзидан-ўзи чарчоғи ёзилади.

**Фарғона** райони ҳокими ўринбосари **Муталибжон Ғулломов** билан деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари ка-



саба уюшмаси раиси **Жамолдин Қодировлар** ҳам болаларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиш мақсадида бу ерда бўлиб туришади. Ниманки етишмовчилик бўлса, рўёбга чиқариш ҳаракатига тушади-лар.

**Куббон** қўли бўйидаги «Кўл бўйи» оромгоҳи ҳам дилни қувонтирарли даражада кўркам. 120 ўринли бу даргоҳга ёз бўйи тўрт смена қабул қилинади. 500 бола дам олади. Бу гўша 2 — қурилиш трестига қарашли. Трестнинг оталиғида эса **Қўқондаги 14-болалар уйи** ҳам бор. Демак, бу ерда ўша уй болалари ҳам дам олишади. Мен тарбиячи **Зироатхон Мирзақулова** билан тоғ сайридан қайтган бир гуруҳ болаларни саволга тутдим. **Хаммаси** яхши кайфият би-

шароитлар ҳам «**Ёрдон**»дагидек. Овқатлари ҳам, ётартурар жойлари ҳам, болаларнинг кўнглини дам олиши, билим савиясини ошириши бўйича ўтказилаётган турли тадбирларни маълум тажрибадаги мутахассислар сидқидилдан бажаришади.

— **Шоҳимардоннинг** энг баланд, шифобахш, баҳаво жойи экан, — дейман завқим келиб.

— **Ҳа**, баҳоси йўқ жойлар. Лекин оромгоҳни хали ўзимиз истагандек таъмирлаб улгирилмадик, — деди ушбу даргоҳ бошлиғи **Неъматжон Хотамов**. — Шунга қарамай ишни бошлаб юбордик. Лекин серёғин жойлар экан. Дўл ёғади, сел келиши бор. Шуларни ўйлаб, иккита автобус ажратилган. Об-ҳавони кузатиш маркази совуқроқ хабар бергудай бўлса, дарров йўлга тушамиз.

**Зилол** сувли булок бўйидаги соя-салқин жойларда оппоқ ўрин-тўшақлар, кенг ёруғ ошхоналарда оппоқ дастурхонлар ёзиглик. Чакқон, қўли гул пазандалар тайёрлаган таомларнинг хушбўй хиди беихтиёр иштаҳангизни очади. Бир кунлик овқат ўттиз сўмга боради. Лекин ота-оналар бу нархнинг факат ўн фоизинингина тўлашади, холос. **Мева-чева** билан эса оталиқдаги хўжалиқ таъминлайди. Қолгани қасаба уюшмаси ҳисобидан.

**Болалар** роҳатини жойларда ёзни ўтказиб, яхши дам олиш билан куч йиғиб, яхши ўқишлари учун замин яратиб қайтишларига ишончимиз қомилдир.

**Замира РЎЗИЕВА,**  
«Ишонч» муҳбири



Бош муҳаррир

Тўлкин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АҚРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Мухайё ТЎЛҲАҒАНОВА, Шабоб ХУҲАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.



● Бош муҳаррир қабул-хонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовини — 56-52-89

● Масъул котиб — 56-52-78

● Котибият — 56-87-59

### БУЛИМЛАР

● Қасаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

● Хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-78; 56-87-73.

● Маънавият, маданият ва табиат — 56-87-63.

● Безатиш ва сураткашлик — 56-87-74.

● Ишлаб чиқариш, хўжалиқ ва ноширлик — 56-55-85.

### ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 54697;  
Гулистонда — 21002;  
Самарқандда — 351130;  
Урганчда — 68782;  
Қаршида — 53670.

● Мухарририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтариқмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь кунини Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олдинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.



### СОТУВДАГИ НАРХИ 3 СЎМ.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босишга 7 августда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:  
**Акмал Ақромов,**  
**Шавкат Қулибоев.**

### ҚўНИМГОҲИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Привл Востока» кўчаси, 24-уй.

Буюртма № Г-252

● 113670 нусхада босилди

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмақонаси, Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12